Ушбу сонда:
2 "УНУТИЛГАН" ТАҚДИМНОМА
РАҒБАТ ВА МАСЪУЛИЯТ 3
АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ 4
SOLON: ҚОНУНЛАРГА БАХШИДА УМР



*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 4 (311)
2003 йил
28 ЯНВАР
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Mohiyat

## АБАДИЯТГА ДАХЛДОРЛИК



Одамзод табиатан эркин яралган. Шу боис мавжудликнинг туғилиш ва ўлим деб аталмиш абадий ҳамда азалий мезонлари бани башарга бирдек тааллуқли. Лекин инсон тақдири ҳар доим ҳам бир текис кечмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳаёт яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашдан иборат. Яхшилик инсонни ҳурликка бошласа, ёмонлик ёвузликни урчитади. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Агар тарих саҳифаларига назар ташласак, бир қарашда у урушлардан ташкил топгандек туюлади. Бу таассурот алдамчи эмас. Зеро, инсоният яралгандан буён сон-саноқсиз урушларни бошдан кечирди. Шу ўринда урушлар нимадан келиб чиққан, деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга мухтасар ҳолда озодлик ва бировларни тобе қилиш учун кураш уруш оловига ёғ сепган, деб жавоб берсак, асло хато эмас. Зеро, ҳеч бир халқ ёки миллат ўз мустақиллигини осонлик билан қўлга киритмаган. Истиқлолга беҳисоб қурбонликлар эвазига эришилган.

Энди муддаога кўчадиган бўлсак, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ ана шу қисқа вақт ичида асрларга тенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Энг муҳими, ер юзида Ўзбекистон деб аталмиш янги бир давлат пайдо бўлди. У жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси. АҚШ, Япония сингари ривожланган мамлакатларнинг стратегик ҳамкори. Бу каби сифатларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, бундан атиги ўн беш йил олдин баён этилган воқелик кўпчилик учун хаёлдаги орзу эди. Бироқ ўтган асрнинг охирларида халқимиз ҳаётидаги тарихий ҳодиса рўй берди. Мустабид тузум исканжасига тушиб қолган халқимиз ниҳоят 1991 йил 31 август кун ўз мустақиллигини эълон қилди. Хўш, бунга қандай эришдик? Бу саволга дафъатан бир сўз билан жавоб бериш ғоят мушкул. Зеро, бутун бошли халқнинг асрий орзу-нияти осонлик билан рўёбга чиққани йўқ. Истибдод йилларида халқимизнинг асл фарзандлари озодлик йўлида жонларини фидо қилдилар. Миллат қонидаги озодликка интилиш туйғулари ўтган юз йилликнинг тўқсонинчи йилларида жунбушга келди. Шу кезларда илмий тилда айтганда, тарих саҳнасига Ислом Каримов феномени чиқди. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси ана шу инсон тимсолида мужассамлашди. У ғоят оғир даврда йўлбошчиликни ўз зиммасига олди ва таъкидлаш жоизки, улкан жасорат ҳамда фавқулодда қатъият билан халқни озодлик сари бошлади. Мазкур фикрнинг ҳақиқатга қанчалик мос эканини билиш учун ўтган ҳафта Ўзбекистон телвидениесида намойиш этилган журналист Қуддус Аъзамов муаллифлигидаги **"Оғир синовлар даври"** ҳужжатли фильмини томоша қилиш кифоя. Ушбу ҳужжатли фильм Ислом Каримов шахси ва фаолиятининг асосий қирраларини қамраб олган. Унда халқимизнинг мустақилликни қанчалик қийинчилик билан қўлга киритгани жонли тасвирларда ўз аксини топган. Президент Ислом Каримовнинг ҳали мустақиллик эълон қилинмасдан олдин айтган қуйидаги фикрлари воқеликнинг туб моҳиятини очиб беради: **"Тарих ва адабиётни биладиган одамлар айтишсин-чи, ким ўз хоҳиши билан колония даражасидаги, хомашёни текинга сотиб берадиган республикани топшириб қўяди? Умуман, тарихда шундай воқеа рўй берганми? Ҳар хил ниқобларни, ҳар хил либосларни кийдириши мумкин, бироқ мустабидликнинг моҳияти ўзгармайди".**

Эътиборли жиҳати шундаки, бу гаплар айтилган пайтда Ўзбекистон қизил империянинг мустамлакаси эди. Бундай гаплар учун жон билан товон тўлаш мумкин бўлган қўрқинчли ва қалтис дамларда мамлакат раҳбарининг кўнглида қандай ўй-фикрлар кечган? Бу саволга жавобан шуни айтиш жоизки, ўша таҳликали даврда мамлакат раҳбари фақат мустақилликни кўзлаган. Бу нафақат фикр ва сўзда, балки амалий ҳаракатларда ҳам намоён бўлади. Фильмда бу ҳол уйғунлашган тарзда гавдаланган. Мамлакат раҳбарининг қатъий фикри мақсад муштараклигини тўлиқ таъминлаган. Президент Ислом Каримов **"урф-одатларимизни, улуғ маданиятимиз ва аждодларимиз ҳурматини, бир сўз билан айтганда, маънавий ҳаётни жойига қўяяпмиз. Ўзбекнинг ўзлигини тушуниб етиши учун кўп иш қилаяпмиз. Бу улуғ миллат, ҳали кўрасизлар, албатта, дунё даражасига чиқади",** деган сўзларни айтганда ҳали мустақиллик эълон қилинмаган эди. Оғир даврда айтилган бундай башоратомуз фикрлар қисқа фурсатда воқеликка, кўз олдимиздаги ҳақиқатга айланди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ўз тақдири орқали тарих яратган салоҳиятли шахс ҳақиқати замонлар оша шу тарзда абадиятга муҳрлана боради. Мазкур фильм мустақиллик тушунчасининг мазмун-моҳиятини Ислом Каримов тимсолида очиб берган. Бу бежиз эмас, албатта. Ислом Каримов халқнинг азалий орзу-истакларини рўёбга чиқаришга йўлбошчилик қилди. У халқни ягона истиқлол ғояси атрофида бирлаштирди. Бу ғоя абадийликка дахлдордир. Чунки унда халқнинг энг эзгу орзу-умидлари ўз аксини топган.

**Холли НОРБОЙ**

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га

### ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетада чоп этилган "Ўртада сарсон чорбоғ" сарлавҳали таҳрирсиз мактуб Бухоро вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда Ромитан туман Ер ресурслари хизмати ходимлари томонидан муаллиф иштирокида ўрганиб чиқилди. Мавжуд ҳужжатлардан маълум бўлишича, Авезов Қаҳрамонга 2001 йилда ижара шартномаси асосида 1,3 гектар мевазор (ўриксор) 10 йил муддатга ижарага берилган. Аммо Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 516-сонли қарорига асосан «Ромитан» ширкат хўжалиги тугатилиб, ўрнида фермерлар уюшмаси ташкил қилиниши муносабати билан 1,3 гектар чорбоғ "Азизжон" фермер хўжалигига олиб берилган ва бу ҳақда туман ҳокимининг 2001 йил 6 августдаги 725-сонли қарори чиққан. Мазкур қарордан норози бўлган ижрочи Авезов Қаҳрамоннинг туман прокуратурасига мурожаатига асосан прокуратура туман ҳокимининг "Азизжон" фермер хўжалигига алоқадор қарорига нисбатан 2002 йил 73-ш 02-сонли протест киритган. Бу протестга асосан туман ҳокими 2002 йил 15 апрелда 631-сонли қарорини чиқариб, 1,3 га чорбоғни "Азизжон" фермер хўжалигидан қайтариб, «Ромитан» фермерлар уюшмаси ихтиёрига топширган.

Ўз навбатида "Азизжон" фермер хўжалиги бошлиғи А.Нуров туман ҳокимининг мазкур қароридан норози бўлиб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилган. Вилоят хўжалик суди 2002 йил 6 августда фермер хўжалиги даъвоси бўйича 2002 йил 19 августда туман ҳокимининг қарорини асоссиз деб топиш ва 1,3 гектар чорбоғни "Азизжон" фермер хўжалигига қайтариб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган.

«Ромитан» фермерлар уюшмаси (ширкат хўжалиги) бошқаруви вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, апелляция шикояти берган. Бироқ апелляция шикояти ҳам қаноатлантирмай қолдирилган. Вилоят хўжалик судининг 1278-5-сонли иш юзасидан 2002 йил 30 октябрдаги қарори 2002 йил 4 декабрда ижро қилиниб, 1,3 гектар чорбоғ "Азизжон" фермер хўжалигига олиб берилди. Ҳозирги кунда «Ромитан» фермерлар уюшмаси (ширкат хўжалиги) Бухоро вилоят хўжалик судининг 1278-5-сонли иш бўйича қабул қилган 2002 йил 19 августдаги ҳал қилув қарори ҳамда 2002 йил 30 октябрдаги Апелляция инстанцияси қарорларидан норози бўлиб Олий хўжалик судига берган кассация шикояти иш юритишга қабул қилинган.

Ижарачи Авезов Қаҳрамон ва "Азизжон" фермер хўжалиги (О.Нуров) ўртасидаги 1,3 гектар чорбоғни низосига Олий хўжалик суди охирги ва қонуний баҳони беради, деган умиддамиз.

**М. НЎЪМОНОВ,**
**Бухоро вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

### ШИКОЯТ ҚИЛАДИЛАР

Мен 2000 йил жамоа хўжалиги билан тузилган оила пудрати шартномаси асосида 14 гектар ерда буғдой ҳосили етиштирдим. Шартномада белгиланган режани ортиғи билан бажарган бўлсакда, хўжалик на ойлик иш ҳақимизни, на 169331 сўмлик мукофот пулини ҳанузгача бермай келаяпти. Хўжалик раиси ва бош ҳисобчи битта баҳонани топиб олган: "Хўжаликда нақд пул йўқ!" Шунингдек, 2001 йилги ғалла ҳосили учун иш ҳақи ва олти юз минг сўмлик мукофот пулини ҳам шу баҳона туфайли ололмаяпмиз. Ўтган вақт мобайнида хўжалигимизда икки бор раис алмашди. Янги раис олдинги йиллар учун мен жавоб бермайман, деб талабимизни қаноатлантирмаяпти. Ахир, раис алмашгани билан жамоа хўжалиги жойида турибди-ку?! Баён этилган масалада менга амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

**Нурқобил ТЎРАЕВ,**
**Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани,**
**У. Юсупов номидаги жамоа хўжалиги**

### МУҚАДДИМА

***Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимиз жаҳон сари юз бурди. Ўз навбатида жаҳон мамлакатларининг дарвозалари ҳам бизга кенг очилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатлараро "борди-келди"ларга имконият яратилди. Бироқ бу имкониятни ҳамма ҳар хил тушунди. Демоқчимизки, орамиздаги айрим кимсалар осон пул пайига тушишди. Улар ўзларининг майда манфаатлари учун халқимиз манфаатларига хиёнат қилишмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, халқимиз соғлигига путур етказадиган ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда сифатсиз маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб келиб, қиммат нархда пуллаш авж олди. Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Бу саволга жавобан шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга контрабанда йўли билан олиб кирилаётган сифатсиз товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва уни олиб келаётганлар Ўзбекистоннинг равнақини кўра олмайдиган, унинг тараққиётига нохолис қараётганлардир. Бугун иқтисодчиларимиз мамлакат ҳудудига яширин йўллар билан олиб кирилаётган товарлар юртимиз иқтисодий ҳаётида жиддий муаммоларни пайдо қилаётганини таъкидлашмоқда.***

***Хўш, унга қарши қандай курашмоқ лозим? Бу саволнинг жавоби ҳаммани бирдек қизиқтиради. Жумладан, бизни ҳам. Шундан келиб чиқиб, қуйида баъзи бир фикр мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.***

## ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

### қонунни билмаслик унга риоя қилмаслик ҳуқуқини бермайди

**"БОЛАМНИ ҚУТҚАРИНГ, ДЎХТИР!"**

Янги 2003 йилни кутиб олганимизга ҳали бир ой тўлиб улгургани йўқ. Лекин ана шу янги йил киришига бир ойча қолганда бошланган "пақилдоқ"лар **(қўлбола бомбачаларга бошқа ном топа олмадим. – И. Ҳ.)** "жанги"нинг шовқини ҳали қулоқларимиздан кетганича йўқ. Рости гап, ўша кунлари бирон-бир ўзга сайёралик юртимизга ташриф буюриб қолса, шубҳасиз, бу ерда уруш (Яратганнинг ўзи асрасин!) бўлаяпти, деб ўйлаган бўларди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, бу қонун йўли билан таъқиқланган "бомба"чалар болаларимиз, баъзан ҳатто катталаримизнинг қўлида қаердан пайдо бўлиб қолаяпти? Агар уларнинг ёрлиқларига қарасангиз, бирортаси ҳам мамлакатимиз ҳудудида ишлаб чиқарилмаганига гувоҳ бўласиз. Демак, четдан келтирилган. Аслида ҳам гап уларнинг қаерда ишлаб чиқарилганида эмас, балки қандай йўл билан мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётганида. Ахир, шунча нарсани чўнтакка яшириб ёки қопларда елкалаб олиб ўтиб бўлмайди-ку?!

Бу — масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони шундаки, ана ўша "бомба"чалар ёки "бомба"чилар божхоначиларимизнинг кўзини шамғалат қилиб юртимизга кириб келди ҳам, дейлик. Хўш, энди улар ўйинқароқ болаларимизнинг қўлига қандай тушиб қолади? Тўрт сўм фойда илинжида ўз жонларини хатарга қўйиб, таъқиқланган маҳсулотни олиб келган "амаки" ёки "хола"лар уни бепул тарқатишади дейсизми? Йўқ, албатта. Улар мўмай фойда илинжида ноқонуний ишга қўл урган. Агар қонун қўлига тушиб қолса, ҳоллари не кечишини ҳам яхши билишади. Шундай экан, нега энди "бомба"чаларини бепул тарқатишаркан? Албатта, сотишади. Сотганда ҳам, бир неча баробар қимматга сотишади. Лекин қаерда? Ҳурматли ўқувчи, юзингизда истеҳзоли табассум пайдо бўлганини сездим. Нима демоқчи бўлганингизни ҳам билиб турибман. "Бозорда-да, бозорда. Бошқа яна қаерда сотишарди", демоқчисиз. Мен эса сизга бошқа савол бермоқчиман: "Ахир, бозор беэга эмас-ку? Қани бирор деҳқон бир қоп пиёзини чипта олмай сотиб кўрсин-чи?!..."

Энди масаланинг учинчи, ўзимиз, ҳар биримизга тааллуқли томонини олиб кўрайлик: хўш, ўша "бомба"чаларни ким сотиб олаяпти? Албатта, болаларимиз ёки ўзимиз-да! Бу эса бизнинг лоқайдлигимиздан далолат беради

Мана, иллатнинг илдизи қаерга келиб тақалаяпти?

Ўтган 2001 йилнинг 31 декабри эди. Соат ўн бирдан ошиб қолган. Кўча, ҳатто уйимизнинг йўлакларида ҳам пақилдоқлар овози қулоқни қоматга келтиради. Бир пайт кўчада аллакимларнинг бақириқ-чақириғи эшитилиб қолди. "Нима гап экан", деган хавотирда кўчага чиқдим. Қарасам, ёнмаён "дом"даги дўхтир йигит қўшниси билан ёқа буғишиб турибди. Ўртага тушиб, уларни муросага келтирдим. Шу пайт дўхтир ҳасрат қилиб қолди:

Mushohada

– Кўрмайсизми, бир соатни ичида беш-олти марта илтимос қилдим. Уйга онам меҳмон бўлиб келган. Қон босими бор. Бунинг зумрашалари йўлакда пақиллатишгани пақиллатишган. Ҳалидан бери онамга икки марта укол қилдим. Қон босими тушмаяпти...

Нарида сегаретасини асабий тортаётган қўшни йигит қўлини пахса қилиб гап бошлади:

– Ув, менга қара, олифта. Мен буларни пулимга сотиб олганман. Болаларим хоҳлаган жойларида пақиллатишади, билдингми?.. Бу "дом" отангдан қолган эмас...

Хуллас, йигитга ҳеч ким гап уқтира олмади. Охири бўлмади, дўхтир йигитнинг қон босими ошиб кетган онаси чиқиб, ўғлини етаклаб кетди. «Ғолиб» чиққан қўшни эса, икки ўғлини ёнига олиб, тантана билан пақиллатишни давом эттирди...

Бир йил илгари бўлиб ўтган воқеани бежиз эсламаяпман. Гап шундаки, 2003 йилни кутиб олаётган кунимиз кечки соат ўн бир яримларда эшигимиз шахт билан тақиллаб қолди. Эшикни очсам, бегона жувон йиғлаб турибди. Қаергадир қўнғироқ қилиб олишни илтимос қилди. Рухсат бериб, ўзим айвонга чиқдим. Унинг телефондаги узуқ-юлуқ гапларидан тушундимки, "Тез ёрдам" чақираяпти. Ҳали янги йил киришига ярим соатча вақт бор. Шунинг учун тоза ҳаво олиш мақсадида кўчага чиқдим. Яна қўшни "дом"нинг олдида одам тўдалашиб турган экан. Ўртада ўша дўхтир йигит бир боланинг боши аралаш кўзидан оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қилаяпти. Қарасам, ёнида ўша, ўтган йилги бозорчи қўшниси илтижо билан қараб турибди. Секин суриштирсам, унинг учинчи синфда ўқиётган ўғлининг кўзига "бомбача"дан зиён етибди. Бола "бомбача"ни ўз вақтида узоқроққа отолмай қолибди. Боланинг отаси дўхтирга айтаётган сўз ҳалигача қулоғим остида жаранглайди:

– Сиздан илтимос, ўғлимни қутқаринг, дўхтир! Болам ногирон бўлиб қолмасин...

Унинг ўтган янги йил арафасида айтган гапларини ҳам эсладим. Ўзига ҳам эслатгим келди-ю, кўзидаги ёшни кўриб, ўзимни босдим...

Қизиқ, ҳар йили декабр, январ ойларида оммавий ахборот воситалари «пақилдоқ»лар мавзусига жамоатчиликни эътиборини тортишга ҳаракат қилади. Маълум вақт ўтиб эса, мавзу «унутила»ди. Наҳотки, келгуси янги йилда ҳам «пақилдоқ»лар балосидан қутула олмасак?!.

***(Давоми иккинчи бетда)***

Диққат, янги рукн:

## MEZON

**Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

**товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;**

**товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;**

**товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;**

**ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;**

**бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;**

**истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.**

**Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.**

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун. 4-модда.




- *Президентимиз Ислом Каримов Испания қироли Хуан Карлос I нинг таклифига биноан 2003 йил 27-29 январ кунлари давлат ташрифи билан Испания Қироллигида бўлади.*
- *Ҳиндистонда «Шанкар» Халқаро болалар мусобақаси ташкилотининг 2002 йилги мусобақалари якуни эълон қилинди. Улар орасида 16 нафар ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси ҳам бор.*
- *Тошкентдаги Халқаро бизнес-марказида Ўзбекистон — Хитой савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.*
- *Пойтахтимиздаги "Локомотив" меҳмонхонасида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон Бадиий-академияси ҳамкорлигида "Муқаддас Ватан" мавзусидаги кўргазма очилди.*
- *Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университетида Елисей шартномасининг қирқ йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди.*
- *Миллий Матбуот Марказида Ҳиндистон мустақиллигининг 54 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*
- *Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ тараққиёт дастурининг қўшма «Атроф-муҳит» дастурини бажариш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.*
- *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида халқаро ҳамкорлик бўйича Америка агентлигининг (USAID) Марказий Осиёдаги миссияси директори Жорж Дейкун билан учрашув бўлиб ўтди.*

### ЛОНДОНДА МЕТРО ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

*Лондонда шанба куни кечқурун бўлиб ўтган йирик метро аварияси оқибатида марказий метронинг йўлларидан бири ҳаракатдан тўхтаб қолди. «Ченсери-Лейн» станциясида электропоезднинг тўртта поезди издан чиқиб кетди. Қутқарувчиларнинг сўзларига қараганда, ҳалокат локомотивнинг мотори узилиб тушгани оқибатида юз берган.*

### АҚШДА ИККИ АВИАҲАЛОКАТ НАТИЖАСИДА ТЎРТ КИШИ ҲАЛОК БЎЛДИ



*Ўтган ҳафта АҚШда иккита авиаҳалокат рўй берди. Биринчиси Колорадо штатида юз бериб, унда иккита унча катта бўлмаган самолётлар тўқнашиб кетди. Ҳалокат оқибатида уч киши ҳалок бўлди, олти киши тан жароҳати олди.*

*Иккинчиси Лос-Анжелеснинг шарқий ҳудудида содир бўлди. Унда "Бичкрафт-95" самолёти икки қаватли уй устига қулаб тушди. Ҳалокат оқибатида учувчи ҳалок бўлди.*

### ИСПАНИЯДА 900 ТОННА МАЗУТ ЮКЛАНГАН ТАНКЕР ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

*21 январ куни Испаниянинг Альхесирас портида бортида 900 тонна мазут ва 100 тонна дизел ёқилғиси бўлган кичик танкер чўкиб кетди. Танкер экипажининг икки нафар аъзоси қутқариб қолинди. Кема капитани эса бедарак йўқолди. Қидирувлар давом этмоқда.*

### КЕНИЯДА АВИАҲАЛОКАТ




*Кенияда ҳукумат аъзолари ва парламент депутатлари учиб кетаётган самолёт қулаб тушди. Икки нафар учувчи ва вазир ҳалок бўлди.*

### ҲИНДИСТОНДА СОВУҚДАН 653 КИШИ НОБУД БЎЛДИ

*Ҳиндистоннинг шимолида ва марказий ҳудудларида ҳаво ҳароратининг кескин тушиб кетиши натижасида 653 нафар киши ҳалок бўлди.*

Taajjub

# “УНУТИЛГАН” ТАҚДИМНОМА

Ўтган йилнинг биринчи ярмида Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан Чортоқ туманидаги ширкат хўжаликларида ички ва ташқи хўжалик шартномаларининг тузилиши, улардаги мажбуриятларнинг бажарилиш ҳолати ўрганиб чиқилганда, бир қатор камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги аниқланган эди. Ҳолбуки, “Чортоқ” ширкат хўжалиги туманда энг илғор хўжаликларидан бири саналади. Хўжаликда пахта етиштиришга алоҳида эътибор билан қаралади. Шу боис йил сайин пахтачиликдан мўл-кўл ҳосил олинмоқда. Бироқ бунга қарамай, пахта хомашёсини етиштириш бўйича тузилган 58 та ички хўжалик шартномалари, гарчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мониторингидан ўтказилган бўлса-да, шартномаларда мониторингдан ўтказилган куннинг санаси, рақами ҳамда ходимнинг исм-шарифи ҳужжатларда қайд этилмаган, Фақатгина имзо чекиш билан кифояланилган, холос. Оилавий пудратчилар Маъсуда Йўлдошева, Ҳавасхон Мирфайзиева, Эргашхон Ҳоликова ва Ҳасанбой Қамбаровлар билан тузилган ички шартномаларда ана шундай ҳолатларни кузатиш мумкин.

Хўжаликда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ҳам катта аҳамият берилади. Мева ва сабзавотчилик ана шундай соҳалардан ҳисобланади. Афсуски, бу борада меҳнат қилаётган 127 нафар оилавий пудратчилар билан тузилган ички хўжалик шартномаларида ҳам тилга олиб ўтилган камчиликларга йўл қўйилган. Устига устак, “Чортоқ” ширкат хўжалигининг молиявий аҳволи ҳам қониқарли эмас. Ўтган йилнинг 25 май ҳолатига кўра, ширкат хўжалигининг 9749000 сўмлик дебиторлик, 812100000 сўмлик кредиторлик қарзлари мавжудлиги аниқланди. Шундан муддати ўтган 47000 сўмлик дебиторлик, 2.271000 сўмлик кредиторлик қарзлари ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаган.

Мазкур тумандаги “Фарғона” ширкат хўжалигида ҳам 2002 йилда пахта хомашёсини етиштириш учун тузилган 229 та ички шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мониторингидан ўтказилган. Бироқ ҳужжатларга бошқарманинг муҳри босилмаганлигини қандай тушуниш мумкин? Оилавий пудратчилар Жамила Шарипова, Муборак Бобохонова, Тўламирза Исоқов, Ҳайитхон Жабборова ва бошқалар билан тузилган ички шартномаларда ана шундай камчиликлар учрайди.

Маълумки, ҳар қандай шартнома 2-3 ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида тузилади. Шартномага имзо чекиб, уни тасдиқловчилар шартномада акс этган шарт ва мажбуриятлар олдида бир хил масъулиятга эга. Шу боис шартномага неча киши дахлдор бўлса, имзо чекса, шунча шахсга шартнома нусхалари тарқатилиши керак. Ғалла етиштирувчи оилавий пудратчи Абдусамат Юсупов билан 29-сонли шартнома тузилади. Бироқ шартноманинг ҳар икки нусхаси ҳам хўжалик идорасида сақланмоқда. Ваҳоланки, шартноманинг бир нусхаси оилавий пудратчининг қўлида бўлиши керак эмасми?!

Шунингдек, хўжаликда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида меҳнат қилаётган 19 нафар оилавий пудратчилар билан тузилган ички хўжалик шартномалари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мониторингидан ўтказилмаган. Одилжон Султонов, Мавлуда Комилова, Сурайё Адашева, Олимжон Ражаббоев бошлиқ оилавий пудратчилар билан тузилган шартномаларда ҳам шу каби камчиликлар мавжуд.

2001 йилда хўжалик пахта хомашёси етиштирувчи оилавий пудратчиларга 37,5 тонна пахта ёғи, 131,2 тонна кунжара, шунча миқдорда чигит маҳсулотлари бериш лозим эди. Лекин шартнома мажбуриятларини бажарган оилавий пудратчилар бор-йўғи 3 тонна пахта ёғи олдилар, холос. Кунжара билан чигит маҳсулотлари эса умуман оилавий пудратчиларга етиб бормади. Бошоқли дон етиштириш соҳасида ҳам туманда бир талай ютуқлар қўлга киритилган. Ютуқ ва муваффақиятлар ўз-ўзидан бўлавермайди, албатта. Унинг ортида заҳматкаш деҳқон ва оилавий пудрат аъзоларининг самарали меҳнатлари ётибди. Шундай бўлса-да, 2001 йилда буғдой етиштириш бўйича тузилган ички шартномаларнинг шартлари қўпол равишда бузилган. 20 нафар оилавий пудратчиларга шартнома асосида берилиши лозим бўлган 247.990 сўмлик иш ҳақи 2002 йилнинг 1 июнига қадар берилмаган. Вилоят адлия бошқармаси мазкур ҳолат юзасидан туманлараро фуқаролар судига 20 та даъво аризасини киритди.

Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида эса 2 нафар оилавий пудратчи шартномада кўрсатилган режадан ортиқ буғдой етиштиришга эришган. Пудратчилар 3400 килограмм буғдой ёки унинг қийматини 2002 йилнинг 1 июнига қадар олиши керак эди. Бироқ ширкат хўжалиги бошқаруви раиси ва бош мутахассисларнинг айби билан бу иш амалга ошмади. Натижада меҳнат қилган пудратчилар қуруқ қолаверди.

Афғонбек Эргашев, Авазбек Мўминов, Аъзамжон Боқиевлар “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги бошқаруви раисига ариза ёзиб, оилавий пудрат учун ер ажратиб беришни сўрашади. Раис уларнинг аризаларини беэътибор қолдиради. Сайфиддин Тўрахонов, Орифжон Бурҳонов, Рустамжон Сулаймоновларнинг ер ажратиш тўғрисида аризалари йўқ бўлса-да, хўжалик улар билан пахта етиштириш бўйича ички шартнома тузишган.

Энг қизиғи, вилоят адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарорининг 2-бандига асосан баён этилган камчилик ва хатоларини бартараф этиш мақсадида Чортоқ туман ҳокими М.Ҳасанов, туман қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси бошлиғи Р.Муҳаммаджонов номига 2002 йилнинг 8 июн куни 01-08-669-сонли тақдимномани киритди. Туман ҳокимлиги тақдимномада қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиб, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирлар белгилаши, шартномалар тузилиши ва мажбуриятларни бажарилиши ҳамда шартномалар мониторингини юритилишида қонунбузилишларга йўл қўйган айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли тартибда жавобгарлик масаласини ҳал этиши лозим эди. Шунингдек, бу ҳақда бир ой ичида вилоят адлия бошқармасига ёзма равишда маълумот бериши зарур эди. Лекин негадир туман ҳокимлиги ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи мазкур масалага ҳанузгача жавоб бермади.

Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин: қонунга нисбатан беписандликми ёки ўзибўларчилик?

Ўйлаймизки, мутасаддилар ҳозирча тақдири номаълум бўлган тақдимномага эътибор қаратишади ва натижасидан бизни ҳам хабардор этишади.

**Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,**
**Наманган вилоят адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи,**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**



Табиат мўъжизаси

# ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

(Давоми. Боши биринчи бетда)

**“ДОРИ КЕРАК ЭМАСМИ?”**

Яқинда ижодкор дўстларимиздан бири шифохонага тушиб қолди. Кечки пайт уч-тўрт қадрдон уни кўргани касалхонага бордик. Энди суҳбатимиз авж ола бошлаганда палата эшиги тақиллаб, бир жувон бош суқди:

– Сизга дори керак эмасми?

Дўстимиз унга рад жавобини берди. Яна суҳбатни қолган жойидан давом эттирдик. Орадан беш-ўн дақиқа ўтиб, яна эшикни тақиллаши гурунгимизни бузди. Бу гал эшикда барваста бир эркакнинг боши кўринди:

–Дори керак эмасми?

Дўстимиз яна аввалги жавобини бериб, сўзини давом эттирди. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтмасдан эшик бетакаллуф очилиб, палатага бола кўтарган аёл кириб келди. Унинг саволини ҳам аввалгиларидан фарқи йўқ эди:

– Дори керак эмасми?

Бу гал бемор дўстимизнинг ростакамига жаҳли чиқди:

– Йўқ, дедим-ку, барака топгурлар. Ҳеч қандай дори керак эмас. Соппа-соғман...

Дўстимиз суҳбатни кўзи қиймай дориларини ичмаяпти, деган ўйда уни урушиб бердим:

– Қанақа одамсан, ўзи? Даволангандан кейин охиригача даволаниш керак-да. Ҳалидан бери уч марта келишди, бечоралар. Ажратилган дориларингни олиб ичмайсанми?

Менинг гапларимга унинг пешонаси тиришди.

– Эй, тушунмаган нарсангни гапириб нима қиласан?! Қанақа дўхтир булар. Дори сотувчилар. Бир дақиқа қўйишмайди. Ухлаяпсанми ё бошқа иш билан бандмисан, эшик қоқиб келаверадилар. Шифохонада “тихий час” деган гап бор. Ана шу “тихий час” пайтида ҳатто отанг келса ҳам киритишмайди. Буларга эса бемалол...

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: ким ўзи бу дорифурушлар? Улар сотаётган дори қаердан келиб қолган? Сифатига ким жавоб беради? Нега улар ўзларининг қўлбола дориларини бемалол шифохоналарда пуллаб юришибди?

Бу иллатнинг илдизи ҳам бизнинг лоқайдлигимиз, бефарқлигимизга бориб тақалмаяптими?!.

**СЎНГСЎЗ ЎРНИДА**

Касб тақозаси билан ҳар хил ишларга гувоҳ бўлганман. Суд. Тергов. Журналистик суруштирув... Ҳар гал қонунни бузган одам билан гаплашганимда бир нарсага амин бўламан. Аслида у қонунни сиз билан мендан юз карра яхшироқ билса ҳам, кўзини лўқ қилиб, “билмай қолибман. Энди такрорланмайди. Бир гал кечиринглар”, деб тураверади. Ахир, минг марта таъкидланганидек, қонунни билмаслик, ҳеч қачон қонунни бузишга йўл очиб бермайди. Мамлакатимизнинг қонунлари ҳам худди байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби муқаддас ва дахлсиздир. Уни бузишга, топташга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам, ҳуқуқи ҳам йўқ.

Хулоса ўрнида бир гапни айтмоқчи эдим. Бугун биз контрабанда йўли билан кириб келаётган сифатсиз маҳсулотлар ҳақида ёзаяпмиз, гапираяпмиз. Истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида қонунлар ишлаб чиқаяпмиз. Лекин энг асосий масала эътиборимиздан четда қолаётгандек назаримда. Ҳали бирор хорижлик келиб бозорда пақилдоқ ёки шифохонада дори сотиб юрганини кўрганим йўқ. Бу нопок ишга орамиздан чиққан, жарақ-жарақ пул топиш, қўша-қўша ҳовли қуриши-у, хориж машинаси миниш мақсадида элюртига хиёнат қилаётган айрим ноинсоф кимсалар қўл урмоқда.

Ана шундай кимсаларни тийиб қўйиш нафақат қонун ҳимоячиларининг балки, бизнинг ҳам вазифамиздир.

Демак, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.

**Ислом ҲАМРО,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Ajab savdolar

# ЖАЗОГА АЙЛАНГАН ДАЪВО

Ҳа, шундай бўлди. Бунга сира ажабланманг, ҳаётда шунақаси ҳам бўлиб турар-кан.

Гап шундаки, Зарбдор туман ҳокимлиги билан шу туманда жойлашган “Андижон” ижара ширкатлар хўжалиги раҳбари Б.Қўзибоқаровга нисбатан Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди 205-модданинг 2-қисми “а” банди ва 209-модданинг 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Даъво аризасини кўриб чиқиш чоғида Б.Қўзибоқаровнинг жуда кўп қинғир ишлари ошкор бўлиб қолди. Гап шундаки, улар шу ширкат хўжалигида фаолият юритаётган “Бобур-Н” номидаги фермер хўжалигининг 87 гектар ерини олиб қўйиш мақсадида 2000 йил 11 декабрда тузилган 37-сонли ерни узоқ муддатга бериш тўғрисидаги шартномани бекор қилиб беришни сўраб, вилоят хўжалик судига мурожаат қилишади. Улар бунга сабаб қилиб фермер хўжалиги режалаштирган 15 гектар майдонга пахта экиш ўрнига ўз манфаатлари учун полиз экинлари экиб, фойдаланганлигини кўрсатишган. Шундан келиб чиқиб, улар ерни “Андижон” ширкат хўжалигига қайтаришни сўрашган.

Бу қинғир ишга бош қўшишган бир гуруҳ мутасаддилар ишни пухта режалаштириб қўйган экан. Энг ёмони, улар фермер хўжалиги раисининг имзоси, муҳрини қалбакилаштириб сохта далолатнома тузиб судга кўргазма беришган. Бундан ташқари, фермер, гарчи Зарбдор туман ҳокимлиги билан шартнома тузган бўлса-да, “Андижон” ширкат хўжалиги 37-сонли ерни узоқ муддатга бериш шартномасини бекор қилишни сўраб, ижарага берувчи ҳокимликнинг ўрнига ўзи имзо қўяди. “Бобур-Н” номидаги фермер хўжалик раҳбарининг ўрнига эса номаълум кимсалар имзо чекиб судга тақдим этади.

Ҳа, шундай, улар бу сохта қоғозларни қўрқмасдан ҳуқуқий идора (хўжалик судига) “мана бизнинг фактлар”, деб тақдим этишади. Аммо бу сохта “қонуний ҳужжатлар”нинг сири суд залида ошкор бўлиб қолди. Яъни “Бобур-Н” номидаги фермер хўжалиги раҳбари Худойбердиевнинг ҳақиқий имзоси ва муҳрини суд залидагилар процесс вақтида кўришди.

Қизиқ, Али берган ерни Вали оламан деб чопиб юрса... Б. Қўзибоқаров “Бобур-Н” номидаги фермер хўжалигининг 15 гектар пахта экиш учун мўлжалланган ерини бошқа вилоятдан меҳнат қилиш учун келган кишиларга тортиқ қилиб юборади. Албатта, қуруққа эмас...

Энг ёмони, у фермер хўжалиги раҳбари Худойбердиевни ҳам нима деб аврашни олдиндан ўйлаб қўяди. Яъни ана шу 15 гектар ерни экин майдони таркибидан чиқараман, дейди. У ўз ҳийласига Худойбердиевни ҳам осонгина ишонтириб, 15 гектар ерни наманганлик Мадаминов, Холдоров ва Ўриновларга ўз манфаати йўлида фойдаланиш учун бериб юборади. Бу “ҳотамтойлик” эвазига Мадаминов Муроджон тўрт гектар ер ҳисобидан йигирма тонна тарвуз ва тўрт тонна макка, Холдоров Мирзараҳим беш гектар ер учун ўттиз беш тонна тарвуз, Холдоров Мирзаҳидга 2,5 гектар ер ҳисобидан олти тонна макка ҳосили ва ўн тонна полиз маҳсулотлари, Ўринов Хурсанали эса 2,5 гектар ер учун олти тонна маккажўхори ва ўн тонна полиз маҳсулотларини Б. Қўзибоқаров юборган машиналарга ортиб беришади. Айни шундай қинғир йўл билан Б. Қўзибоқаров 3 миллион сўмга яқин “даромад” қилади.

Бу қилмиши билан ширкат хўжалиги раҳбари Ер Кодексининг 24-моддаси ва **“Фермер хўжалик тўғрисида”**ги Қонуннинг 14-моддасини қўпол равишда бузади.

Энг даҳшатлиси, Б.Қўзибоқаров ана шуларни рўкач қилиб, фермер хўжалигидан ерни тортиб олиш мақсадида судга мурожаат қилган. Аммо унинг бу галги нопок режаси амалга ошмай қолди.

Аниқроқ айтганда, унинг сохта даъвоси ўзига нисбатан жазога айланди. Чунки Жиззах вилоят хўжалик суди судлов ҳайъати даъвогарнинг даъвосида ҳужжатларни қалбакилаштириш, мансабини суиистеъмол қилиши каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар мавжуд эканлигини аниқлаб, Б.Қўзибоқаровга нисбатан жиноят иши қўзғатди ва тергов ҳаракатларини олиб бориш вилоят прокуратураси зиммасига юклатилди. Зарбдор туман ҳокимлигининг даъво аризаси рад этилиб, даъвогардан давлат бюджетига ва бошқа харажатларни ундиришни лозим топди.

Емоқнинг қусмоғи ҳам бор. Б.Қўзибоқаров қилган иши учун жазо олиши тайин. Шу билан бирга бу воқеа ана шундай нопок ниятда юрган айрим кимсаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

**Гулмира СУЮНОВА**
**Жиззах вилояти**

Adliya tizimi

# САМАРҚАНД

**Ўтган йили вилоят адлия бошқармасига бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва шартномавий муносабатлар ижроси таъминланишини сўраб 439 та ариза ҳамда шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 244 таси қаноатлантирилди. 112 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Ариза-шикоятларнинг 69 таси тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилган бўлса, 14 таси исботини топмаганлиги сабабли рад қилинган.**

* * *

**Шартномавий муносабатлар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари номига 100 та тақдимнома ва ҳокимлик мутахассислари, корхона, ташкилот ҳамда хўжалик раҳбарлари номига 97 та огоҳнома киритилди. Ана шу киритилган тақдимнома ва огоҳномалар ижроси таъминланиб 10 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. 28 мансабдор шахсга интизомий жазо тариқасида “ҳайфсан” берилди, 12 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига қайта йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилган. Бундан ташқари йил мобайнида қонунбузилишига йўл қўйган 12 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.**

* * *

**Бошқарма томонидан ўтган йил давомида судларга жами 266 миллион 289 минг 249 сўмлик 772 та даъво аризалари киритилди. Даъво аризаларининг 280 таси фермер хўжаликлари, 6 таси ширкат хўжаликлари, 474 таси оила пудратчилари, ижарачилар ва хусусий тадбиркорлар, 11 таси эса бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб киритилган.**

***Ҳадемай қуёш экватордан оғиши билан деҳқон ерга экин-тикин қадашга киришади. Бунга тайёргарлик эса аллақачон бошлаб юборилган: экин майдонлари шўри ювиляпти, яхоб сувига қондирилаяпти, дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқилиб, “компост” тайёрланаяпти. Устахоналарда техника таъмирланаяпти, уруғлик аллақачон ғамлаб қўйилган.***

# РАҒБАТ ВА МАСЪУЛИЯТ



Хўш, бундай батафсил ҳикоя нима учун зарур бўлиб қолди, дерсиз. Халқда бўш қоп тик турмайди, деган гап бор. Ҳа, қишин-ёзин тиним билмайдиган деҳқон ҳам темирдан эмас. Унинг белини маҳкам қилиб турмасангиз, ишидан путур кетиб қолиши мумкин. Бу — ҳосилдан барака учди дегани.

Шу оддий гапни Сайхунобод туманидаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари эшитишмаган ё маъносини уқиб олишмаган. Энди ўзларига қийин бўлаяпти. Пахта ҳосили етиштирувчиларга бўнак пули, хомашё ҳақини вақтида беришмай, пахтакорнинг белбоғини бўш қолдиришгани учун жарима ҳам тўлашади.

Гап шундаки, жамият раҳбарлари 2001 йил охирида бўлажак ҳосил учун фермерлар билан контрактация шартномаси тузишган, аммо амалда ундаги шартларни бажаришмаган. Бўлар-бўлмас баҳоналар топишган. Жамият директори А.Тўраевнинг фикрича, бўнак пулини вақтида етказиб бермагани учун вилоят бирлашмаси жавобгар. Бирлашма бўлим мудири А.Юнусовнинг изоҳ беришича, маблағ жамғармадан келади, демак, ўша жавоб берсин. Фақат жамият бош ҳисобчиси Ў.Парпиевнинг фикри сал бошқачароқ. Яъни фермер хўжаликлари раҳбарлари Э.Қобулов, Ж.Умиров, А.Абдиев, А.Бахтибоев, Г.Минтаев бўнак пулини йил давомида олишмаётгани ҳақида унга шахсан мурожаат этишмаганмиш. Ана холос. Фермер билан пахта ҳосили учун контрактация шартномаси тузилса, унинг бандида бўнак пулларини ўтказиб бериш муддатлари кўрсатилса, шартномада кўрсатилган муддатдан кейин, яъни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун жамият жарима тўлаш лозимлиги ёзиб қўйилган бўлса-ю, яна фермер бўнак пулининг орқасидан қувиб юриши ҳам керак экан-да... Анойисини топибди.

Бир муаммо иккинчисини етаклаб келади. Маблағ вақтида берилмагани учун фермерлар уруғ, ўғит, ёнилғини муддатида олишолмади. Бу ёқда пахта сотиш режасини ошириб бажарганига қарамай “Гулистонэкстрактёғ” ҳиссадорлик жамиятидан бериладиган чигит пўчоқ, кунжара, ёғ, совун ҳам қолиб кетди. Сабаби оддий: бу жамият ҳам аввалдан пул ўтказиб қўймаган бўлсанг, қуруқ ашулага қулоқ ҳам солмайди. Яна шу маҳсулотлар фондининг сотилиш муддати ҳам бор. Ахир, ёғ корхонаси соғин сигир эмас-да, исталган вақтда соғиб олаверадиган.

Ниҳоят, фермерлар катта машаққатлар эвазига бўлса-да, пахта сотиш режасини бажаришди. Декабр ойига келиб бўнак пулининг қолганини олишди. Орадаги фарқни англагандирсиз. Сиз соғлом шахс бўнак пулини аввалдан бериб қўйишини ҳам яхши биласиз. Демак, бу ёғини изоҳлаб ўтирмаймиз.

Сайхунобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти фермер хўжаликларидан “Назарбой”, “Оқ жўл”,

Mulohaza

“Қудайберди”, “Бахтижон” ва “Абдулҳай”га анча жарима ҳам тўлади. Фермерларнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридаги маънавий зарарни жамият раиси ва бош ҳисобчиси солидар тартибда тўлашади.

Ўйлайсизки, моддий ва маънавий зарарни дарров қоплаб қўйишган. Мутлақо. Бўнак пулини йил бўйи чўзган жамият жаримани дарров тўлаб қўярмиди?!. Бунинг устига, жамият моддий жиҳатдан чўкиб қолган. Ишчилар 3-4 ойлаб маош олишмаяпти. Унинг аҳволиниям тушуниш мумкин. Бироқ бу баҳоналаримиз тарози босмайдида. Бизнинг минглаб баҳоналаримиз деҳқоннинг қўлига бир сиқим ўғит ёки бир бурда нон бўлиб кирмайди. Деҳқончилик шундай бир пок соҳаки, у ғирромликни билмайди. Ерни ёки экинни алдаб бўлмайди.

Ҳозир далаларда шўр ювиш боряпти. Ҳадемай техника далага чиқиши керак. Ўтган йили бўнак пулини абжағини чиқариб майдалаб ташлаган пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари бу йил яхши бўлиб қолишгани йўқ. Яна ўша аҳвол. Ҳали деҳқонга уруғлик, техника, ёнилғи, ўғит учун бўнак пули керак. У қачон траншга тўлиқ келиб тушади-ю, деҳқоннинг бели қачон бақувват бўлади? Деҳқоннинг қўлини қуруқ қўйиб, унга ишла, деган билан аҳвол ўнгланиб қолармикин?

**Мардали МАҲМУДОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Shartnoma qonunchiligi

# ДЕҲҚОНГА ҚАЙИШМАГАН РАИС

Инсоннинг меҳнат қилишдан мақсади у орқали барака топишдан иборат. Деҳқон ҳам даромад олиш ва у билан рўзғорини тебратиш учун йил-ўн икки ой далада тер тўкади.

Андижонлик оила пудрати бошлиғи М.Ўскиновни ҳам ана шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин. У 2001 йилда пахта хомашёси етиштириб бериш бўйича Булоқбоши туманидаги “Жўраполвон” ширкат хўжалиги билан шартнома тузиб, унинг шартларини ўз вақтида ортиғи билан бажарди. Шартномада кўрсатишича, пудратчига пахта хомашёси етказиб бергани учун уни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган иккиламчи маҳсулотдан 4457 килограмм пахта ёғи, 18594 килограмм кунжара ва 12798 килограмм шелуха берилиши лозим эди. Аммо ширкат хўжалиги бу мажбуриятни бажармади. Аниқроғи, пудратчига атиги 2818 килограмм пахта ёғи берилди, холос. Унга берилиши лозим бўлган қиймати 1 миллион 20 минг 387 сўмлик 1639 килограмм пахта ёғи, қиймати 217 минг 566 сўмлик 12798 килограмм шелуха, қиймати 911 минг 106 сўмлик 18 минг 594 килограмм кунжара, жами 2 миллион 330 минг 059 сўмлик иккиламчи маҳсулотлар эса “туя гўштини еди”.

Кейин маълум бўлишича, ушбу хўжаликда шартномада белгиланган иккиламчи маҳсулотларни ололмай ёки пулини ундира олмай юрган пудратчилар кўпчилик экан. К.Асқаров 5 миллион 910 минг 167 сўмлик, И.Носирдинов 6 миллион 874 минг 036 сўмлик, А.Ғаниев 4 миллион 995 минг сўмлик, И.Мадраҳимов 4 миллион 640 минг 589 сўмлик, Ж.Омонов 3 миллион 257 минг 444 сўмлик пахта ёғи, кунжара ва шелухаларни икки йилдан буён ололмасдан сарсон-саргардон бўлиб юришибди.

Шунингдек, И.Тўйчиев, И.Шамсиев, Х.Мамашарипов, О.Нурматов, А.Ғиёсов, З.Парайдинов, М.Қобилов, Э.Мадиёров, А.Алиқулов, Х.Далихонов каби пудратчилар ҳам 1 миллион сўмликдан тортиб 4 миллион сўмликкача бўлган миқдордаги пахта ёғи, кунжара ва шелухаларни ундиролмай, ҳалак бўлишмоқда.

Барча пудратчилар шартнома шартларини бажаришган. Уларнинг меҳнатлари эвазига ширкат хўжалиги илғорлар сафида. Лекин хўжалик раиси Рустам Жўраевнинг бепарволиги, беписандлиги, қонунларни менсимаслиги натижасида пудратчилар меҳнат ҳақларини ололмай юришибди. Бу билан раис бошчилигидаги ширкат хўжалиги **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги Қонун талабларини бузиб келмоқда. Шу боис яқинда вилоят адлия бошқармаси пудратчиларнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик судига даъво ариза киритди. Уларнинг ҳақини энди суд ундириб бериши тайин. Бироқ шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим: хўш, ўз қўл остидаги меҳнаткашларнинг ҳақини пайсалга солган раҳбар қандай қилиб уларни яна ишлашга даъват этади? Деҳқон рағбати сўнган жойда иш олдинга силжиши мумкинми?

Бу каби саволлар раҳбарларнинг доимий эътиборида туриши зарур. Шунда баён этилгани каби сарсонгарчиликларга ўрин қолмайди.

**Исроилжон УСМОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

# АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

*"Айбсизлик презумпцияси" тушунчаси ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш учун, аввало, презумпция сўзининг қандай маъно англатиши ҳақида сўз юритиш лозим. Асли лотинча бу сўз тахмин, гумон, эҳтимол, фараз деган маъноларни англатади. Булардан "фараз қилмоқ" сўзи илм-фан ва кишиларнинг амалий фаолиятида кўпроқ қўлланилади. Лекин илмий тилда ҳар қандай фараз ҳам презумпция бўлиб ҳисобланмайди. Презумпция учун далил билан қатъий боғлиқлик талаб этилади, шунинг учун муайян бир далилнинг пайдо бўлиши иккинчи бир далилнинг фараз қилинишига олиб келади. Бундай презумпциянинг шаклланишига бир мисол келтириш мумкин: қонуннинг қабул қилинганлиги факти ҳамма фуқаролар бу қонунни билади ва унга риоя этишлари шарт, деган фаразни келтириб чиқаради. Бу формула қадимги Рим ҳуқуқшунослари томонидан ишлаб чиқилган эди. Шунинг учун ҳам азалдан қонунчиликда қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди, деган қатъий бир қоида мавжуд.*

Айбсизлик презумпциясининг жиноят процессуал тамойил сифатидаги юридик маъноси қуйидагича ифодаланиши мумкин:

а) жиноий судлов ишларини юритишда тергов идораларининг айбловни келтириб чиқарувчи хулосалари судлар томонидан қайта текширилиши лозимлигини белгилайди;

б) умумий маънода процессуал кафолат ҳисобланиб, давлат идораларининг шахсни жиноят содир қилишдаги айбдорлиги хусусидаги хулосаси тўлиқ ва ишончли бўлиши лозим, деган маънони беради;

в) терговчи, прокурор суддан гумон қилинувчи ва айбланувчига айбсиз киши сифатида қарашни мажбур қилади;

г) исботланмаган айб исботланган айбсизликни келтириб чиқаради, деган асосий қоида бўлиб хизмат қилади;

д) жиноят процессида ўзига нисбатан айблов илгари сурилаётган шахсга қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишининг кафолати ҳисобланади;

е) ҳар қандай гумонлар айбланувчи фойдасига ҳал бўлади, деган қоидани белгилаб беради.

ж) ҳақиқатни аниқлашга доир тергов идоралари, прокурор ва суднинг ҳаракатларини тартибга солиб туради ва улар жиноий ишда исботланиши лозим бўлган ҳамма ҳолатларни исботлашга мажбур, деган хулосани билдиради.

Демак, айбсизлик презумпцияси жиноят процессининг ҳар қандай босқичида жиноят содир этишда айбланаётган, гумон қилинаётган шахслар ушбу жиноятини содир этган, деган фараз билан, лекин бу шахс жиноятчи деган аниқ тўхтамга келиш нотўғрилиги ҳақидаги фикрларни қоида даражасига кўтаради. Бу айбсизлик презумпциясининг юқоридаги юридик маъносида ўз тасдиғини топган.

Айбсизлик презумпцияси тамойилининг моҳияти асосланмаган айблов ва судловнинг рад этилишида намоён бўлади.

Мамлакатимизнинг Бош қомуси бўлган Конституциямизнинг 26-моддасида айбсизлик презумпцияси тамойилининг маънавий кўриниши ўз ифодасини топган. Унда **"Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар яратиб берилади"**, дейилади ва бу айбсизлик презумпцияси тамойилини кафолатлайди.

Ушбу конституциявий қоидага асосланган ҳолда Жиноят процессуал Кодекснинг 23-моддасида айбсизлик презумпцияси тамойили ўз аксини топган. Бу моддага биноан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг жиноят содир этишида айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланди.

Энг муҳими, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериш шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал этилиши керак.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг 26-моддасида баён этилган қоида Инсон ҳуқуқлари умужаҳон Декларациясининг 11-моддаси 1-бандидаги **"Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир инсон унга ҳимоя учун барча имкониятлар яратиб берилиб, суд мажлисида ошкора тартибда, қонуний йўл билан унинг айбдорлиги аниқланмагунча беаёб деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга"** ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 14-модда, 2-бандидаги **"Жиноят қилишда айбланаётган ҳар бир одам унинг айби қонунга биноан исботлаб берилмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эгадир",** деган қоидаларга ҳар жиҳатдан тўлиқ мосдир.

Айбсизлик презумпцияси тамойилининг Жиноят Процессуал Кодексда белгилаб қўйилиши шахс ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, айбсиз шахснинг айбланиши ва судланишининг олдини олишга қаратилган. Ушбу тамойилга амал қилганда жазо тайинловчи идоралар, яъни судлар жазо тайинлашдан олдин жиноятни айнан шу шахс содир этганлигини аниқлашга мажбур бўлади.

Айбсизлик презумпциясининг жиноят процессидаги маъносини қуйидагича ифодалаш мумкин: айбсизлик презумпцияси — воқеликка тўғри бўлган ҳуқуқий ҳолат бўлиб, унга асосан айбдор шахсни жиноят содир этишдаги айбини қачонки суднинг айблов ҳукми чиқарилган ва айнан шу шахс айбдор деб ҳисобланса, шунингдек, унинг айби жиноят иши бўйича йиғилган исбот-далиллар билан тасдиқланиб, процесс иштирокчилари бу шахсни асосланган ҳамда адолатли равишда жавобгарликка тортилганлиги ва жазоланганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилганда тасдиқлаш мумкин бўлади.

Айбсизлик презумпцияси тамойилидан қуйидаги талаблар келиб чиқади: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд:

а) ўзининг зиммасига юклатилган ва шахснинг айбини исботлаш билан боғлиқ мажбуриятларини айбланувчининг зиммасига юклатишга ҳақли эмас, бундан ташқари, айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас, лекин айби



йўқлиги тўғрисида хабар бериш ҳуқуқига эга;

б) айбланувчининг айби тасдиқланмаса, демак, унинг айбсизлиги тасдиқланган деб тан олиниш лозим;

в) агар шубҳани бартараф этиш мумкин бўлмаса, айбланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Айбсизлик презумпцияси тамойилининг халқаро ҳужжатлар ва мамлакатимиз қонунчилигида белгилаб қўйилишининг боиси шундаки, демократик жамиятда яшаётган одамлар фақат қонун устуворлигига бўйсуниб яшаши лозим. Халқаро доирада айбсизлик презумпцияси тамойили демократия мавжуд бўлишининг бир мезони деб эътироф этилмоқда. Шу боис, у Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон Декларацияси ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактда алоҳида белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, инсон тақдирига бефарқ қарамаслик, айбсиз одамларни жиноий жавобгарликка тортилишининг олдини олиш учун мамлакатимиз қонунчилигида айбсизлик презумпцияси тамойили белгилаб қўйилган. Бу тамойилнинг талаби шундан иборатки, жиноят содир қилишда айбланаётган ҳар бир шахс фақат суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билангина айбдор деб топилиши мумкин.

Хуллас, олий мавжудот бўлган инсоннинг шахсий ҳамда дахлсиз бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда айбсизлик презумпцияси тамойили жуда катта аҳамиятга эгадир

**Зокиржон БАРНОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

# 16 ЁШГА ТЎЛМАГАН ГУВОҲЛАР

## УЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Мамлакатимиз қонунларида белгиланишича, гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида ёлғон кўрсатма берганлик, кўрсатма беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун Жиноят Кодексининг 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилади.

16 ёшга тўлмаган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида бу ҳолат сал бошқачароқ кўринишга эга. Яъни, рислик қилувчи 16 ёшга тўлмаган гувоҳларга иш бўйича ўзлари билган ҳамма маълумотларни рўй-рост айтиб беришлари шарт эканлигини тушунтиради, бироқ улар кўрсатма беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун ва била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун жиноий жавобгар бўлиш тўғрисида огоҳлантирилмайди.

Фуқаролик Процессуал Кодексининг 185-моддасига кўра, 14 ёшга тўлмаган гувоҳларни сўроқ қилишда, суд лозим топган тақдирда эса 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда мутахассис (ўқитувчи), зарур ҳолларда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, уларнинг васий ва ҳомийлари чақирилади. Бу шахслар раислик қилувчининг рухсати билан гувоҳга саволлар бериши мумкин.

Алоҳида ҳолларда, 16 ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилиш вақтида ишда иштирок этаётган у ёки бу шахс суднинг ажрими билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Бу шахс мажлис залига қайтиб кирганидан кейин унга вояга етмаган гувоҳнинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилиши ва гувоҳга саволлар бериш имконияти яратилиши лозим.

16 ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиб бўлингач, суд мажлиси залидан чиқариб юборилади, суд бу гувоҳнинг мажлис залида бўлишини зарур деб топган ҳоллар бундан мустаснодир.

Албатта, 16 ёшга тўлмаган гувоҳларни сўроқ қилишда қонунга тўла амал қилиш шарт. Бу борада зиғирдек ноқонуний хатти-ҳаракат уларнинг ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз ёшларимиз онгида ҳақиқатга даъват, Ватанга муҳаббат, ёвузликка нафрат, адолат тантанасига ишонч ҳис-туйғуларини уйғотмоғимиз лозим. Шундагина келгуси порлоқ ҳаётга мустаҳкам замин яратилади.



# ҚАРЗГА БОТИРИЛГАН КОРХОНА

## ёки "Сурхондарёшаробсавдо" корхонаси қачон қаддини тиклайди?

***Сурхон томонларда қурқурак деган қуш учрайди. Бу қушни, айниқса, асаларичилар яхши билади. Ёзнинг айни жазирама кунлари қаерда асалари қутилари жойлаштирилган бўлса, ўша ерда қурқурак галаси тинмай чарх ургани-урган. Кичкинагина бу қуш асалариларга шунчалик қирон келтирадики, асаларичи унинг дастидан аза тутади. Қурқурак бир кунда минглаб асаларига қирон келтиради.***

Бир пайтлари "Сурхондарёшаробсавдо" корхонасининг баҳайбат дарвозаси ҳам инига тинимсиз қатнаб турадиган асаларилардек юк олувчилар билан гавжум бўларди. Корхона ходимларининг қўли қўлига тегмасди. Ҳозир ана шу корхона ҳовлисига кирсангиз, гўё эгаси кўчиб кетган хонадонга ўхшайди. Ҳувиллаб ётган корхона ҳовлисига бош суқишингиз билан кичкина боғ ўртасида ташландиқ ҳолга келтирилган иккита "Зил" русумли машинанинг қантарилиб қўйилгани, ҳар-ҳар жойда турли хил темир-терсаклар сочилиб ётганини кўриб, бу ердан файз-барака кўтарилганига ишонч ҳосил қиласиз.

Кейинги икки йил мобайнида "Сурхондарёшаробсавдо" корхонасида тез-тез раҳбарлар алмаштирилиб турилди. Энг қизиғи, бу ерга тайинланган раҳбар бир йилга етар-етмас бошқасига алмаштирилиши одат тусига кирди. Ўтган икки йил мобайнида уч марта раҳбар алмашди. Айни кунларда эса тўртинчи бор раҳбар тайинлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Илгари ишлаб кетганларга-ку майли, аммо эндигисига анча қийин бўлади. Бундай дейишимизнинг сабаб корхона қулоғигача қарзга ботиб қолган. Сўнгги икки йил мобайнида бу ерда ишлаган амалдорлар ҳам сўзимиз бошида айтиб ўтган қурқурак қушининг йўлини тутишган. Улар корхонани иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашни эмас, кўпроқ унинг "шираси"ни ютишни ўйлашгани боис корхонани қарзга ботириб юборишган.

Айни кунда "Сурхондарёшаробсавдо" базасининг ташкилотларидан 271 миллион сўмлик қарзи бор. Бу ердаги ишчи-хизматчилар 4-5 ойлаб иш ҳақларини ололмай, сарсону саргардон.

Хўш, бунинг асосий илдизи қаерда? — деган ҳақли савол туғилади.

Маълум бўлишича, корхонага раҳбарлик лавозимига келган амалдорлар насия савдони авж олдириб юборишган. Юк оладиган хусусий фирма ёки савдо ташкилотининг пули борми-йўқми, буни иккинчи даражали иш деб билишган собиқ амалдорлар юк олувчилар билан ими-жимида ўзаро гаплашиб, катта миқдордаги спиртли ичимликларни тўғри келган хусусий фирма, корхона, ташкилотларга насияга бериб юборишган Бу каби қинғирликлар, айниқса, Усмон Қосимов раҳбар бўлиб келганда жуда авжига чиқди. Ўтган йили банкдан олинган 162 миллион кредит эвазига "Жаҳонгир" хусусий фирмасига 102.496 сўмлик, Учқизил СИЧКсига 12536,09 сўмлик, "Бандихон" савдо бирлашмасига 360.748 сўмлик, Шеробод "Ёшлик маркази" корхонасига 968.478 сўмлик, "Ҳисор" улгуржи чакана савдо корхонасига 1.815.542 сўмлик, "Азизбек" хусусий фирмасига 242.291 сўмлик, "Самар" хусусий фирмасига 216.964 сўмлик (бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин) алкоголли маҳсулотлар банкдан олинган кредит эвазига насияга бериб юборилди. Бунинг оқибатида эса корхона олган кредитни ўз муддатида қайтаролмагани туфайли банкга 22 миллион сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 136-сонли қарорида алкоголли ичимликларни сотишда фақат олдиндан юз фоиз тўловларини амалга оширилгач, маҳсулотни бериш лозимлиги алоҳида таъкидланган. "Сурхондарёшаробсавдо" корхонасида эса бу қоидаларга мутлақо эътибор берилмади. 2002 йилнинг биринчи ноябр кунидаги ҳолатига кўра, корхона 150 миллион сўмлик ундирилмаган акциз қарзлар ботқоғига ботиб қолди. Насияга бериб юборилган юз миллионлаб маҳсулотнинг пули эса қарздор ташкилотлардан қачон ундирилиши ҳали номаълум. Тўғри, бу борада бироз уринишлар ҳам бўлди. 35 та қарздор ташкилотлардан маблағни ундириш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилди. 151 миллион 124 минг 754 сўмлик қарзни ундириш тўғрисидаги судга қилинган даъво аризаларидан сўнг унинг 98 миллион 725 минг 460 сўми ундирилди. Қолган маблағни ундириш эса сувга отилган тош каби амалга ошмай турибди.

Корхонани насия савдо билан қарзга ботириб қўйган собиқ амалдорлар эса бу ҳолга оддий томошабин бўлиб туришибди. Корхона фаолияти учун ким жавоб бериши сирли жумбоққа айланди.

Корхонада жавобгар шахслар томонидан содир этилган талон-тарожликлар ҳам жуда катта маблағни ташкил этади. 2000 йил феврал ойидан ўтган йил ёз ойигача шу корхонада шиша идишлар бўйича омбор мудири бўлиб ишлаган, муқаддам икки марта судланган Насурулло Қораев моддий жавобгар шахс бўла туриб, йирик миқдордаги камомадга йўл қўйган. Омбор мудирининг иш фаолияти тафтишдан ўтказилганда унинг жавобгарлигида бўлган ҳар бирининг нархи 80 сўмдан 15641120 сўмлик 195514 дона 0,5 литр ҳажмидаги шиша идишларни, бир донасининг нархи 80 сўмдан 7185360 сўмлик 89817 дона 0,5 литр ҳажмидаги шиша идишлар, ҳар бир донасининг нархи 500 сўмдан бўлган 322 дона пластмасса қутилар, ҳар бирининг нархи 1500 сўмдан бўлган 253500 сўмлик 169 дона темир қутилар, хуллас, жами ўттиз тўрт миллион беш юз йигирма бир минг сўмлик идишлар камомади аниқланди. Омбор мудири Насурулло Қораев ана шу камомадни яшириш ниятида бош ҳисобчи А. Юсупов билан тил бириктириб, моддий жавобгарлигидаги камомадни яшириш мақсадида 34521553 сўмлик шиша идишлар ва тараларни вақтинча жавобгарликсиз омбор мудири Шуҳрат Баротовга комиссия таркибида топшириш ҳақида 2001 йилнинг 18 май кунида сохта далолатнома тузиб, 2001 йил 22 июн куни ўзига тегишли бўлган "Янги ариқ" харид қилиш корхонаси номидан "Сурхондарёшаробсавдо" улгуржи базаси билан 6-сонли шартнома тузиб, ушбу шартномага асосан 2001 йилнинг 2 июл кунидаги 1-сонли ишонч хати ва 2001 йил 2 июлдаги 9-сонли сохта товар юк хати билан ўн беш миллион олти юз етмиш бир минг беш юз сўмлик, 2001 йил 5 июлдаги 2-сонли ишонч хати ва 12-сонли юк хати орқали юз ўн минг сўмлик, шу кундаги 13 сонли юк хати орқали бир юз ўттиз олтмиш сўмлик (бу сохта ҳужжатлар яна давом эттирилган) тараларни расмий ҳужжат ҳисобланган юк хатларни "қабул қилиб олдим", дея ҳужжатларга сохта ёзувлар киритиб, кўп миқдордаги камомадга йўл қўйганлиги тафиш пайтида юзага чиқди.

Хуллас, "Сурхондарёшаробсавдо" улгуржи базасида бундай талон-тарожликлар йиллар давомида содир этилган бўлса-да, уни биров пайқади, биров пайқамади. "Насияфурушлик"дан воқиф бўлган базанинг юқори бошқарув раҳбарияти ҳам "ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолсин" қабилида иш юритишган кўринади. Лекин истак бошқа-ю, талаб бошқа экан. Қинғирлик қирқ йилда бўлса ҳам барибир ошкор этилади. Аммо бугунги кунда қарздан бош кўтаролмай қолган корхонанинг эртаси қандай бўлади? Бу талон-тарожликлар учун ким жавоб беради? Бир пайтлар иқтисодий жиҳатдан анча бақувват бўлган "Сурхондарёшаробсавдо" улгуржи базасининг шуҳрати яна тикланадими? Насияга берилган маҳсулотларнинг пулини ким ундириб беради? Бу саволларга ҳозирча жавоб топишнинг иложи йўқдек туюлади. Лекин мутасаддилар жавоб топишлари зарур. Нега деганда, мақолада тилга олинган корхона фаолияти вилоят иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис унинг аҳволига вилоят миқёсида эътибор талаб этилади.

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Ватан ўғлонлари*



# ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

## УНДА ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ?

Меҳнат қонунлари ишга қабул қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солар экан, иш тури, жойи ва касбкорини танлаш эркинлиги, меҳнат ҳуқуқларининг амалга оширилишида барча фуқароларнинг ўзаро тенг экани, ижтимоий ҳимоя талаб этиладиган аҳоли табақаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалга оширилиши каби қоидаларига асосланади.

Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда амал қилаётган меҳнат қонунларимизда ходим билан иш берувчи ўртасидаги ижтимоий муносабатлар қонунлар билан қатъий тартибга солинган. Бунга мисол тариқасида ходим ишга кираётган вақтда иш берувчига фақат қонунда кўрсатилган ҳужжатларнигина тақдим этиши керак.

Демак, ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни иш берувчига тақдим этиши лозим:

— паспорт ёки унингўрнини босадиган бошқа ҳужжатнип, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;

— меҳнат дафтарчасини, биринчи марта ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

— ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда, олий, ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Масалан, **"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"** қонунга мувофиқ, тиббиёт ҳамда фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун фуқародан олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисида диплом талаб қилинади.

Булардан ташқари, қонунчиликда айрим лавозимларда ишлаш учун соҳа бўйича муайян меҳнат стажи ҳамда шу соҳада ишлаш ҳуқуқини берувчи лицензия талаб қилинади.

1996 йил 7 майда тасдиқланган «Ҳаво Кодекси»нинг 49-моддасига кўра, ҳаво кемалари парвозини амалга ошириш ва бу парвозни таъминлаш билан бевосита алоқадор авиация ходимлари тегишли фаолиятни амалга ошириш гувоҳномасига эга бўлиши лозим.

Шу билан бирга, ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш таъқиқланади.

**Рустамжон АБУЛХАЙРОВ**



# ФРАНЦИЯ: НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ

Дунёнинг ривожланган давлатларидан бири бўлмиш Францияда нотариат институт ўзига хос тарзда ташкил этилган. Бу давлат нотариати нотариусларнинг профессионал бирлашмаси ҳисобланади. Унинг ташкилий тузилмаси уч даражадан иборат: биринчиси умуммиллий даражадаги Франция Олий Нотариат Кенгашидир. Мазкур Кенгаш 1941 йилда ташкил топган бўлиб, 1945 йилда расмий мақомга эга бўлган.

Ҳудудий даражадаги Нотариуслар Кенгаши иккинчи тузилма бўлиб, ушбу кенгашлар апелляцион судлар мавжуд бўлган ҳудудларда ташкил этилади.

Учинчи тузилма Департамент Нотариал Палатаси бўлиб, у мамлакатнинг бир ёки бир нечта департаментида фаолият юритади.

Бундан ташқари, барча тузилмалар йилига камида икки марта ўтказиладиган "Аралаш қўмита" деб номланувчи мажлисларда йиғилишлари керак бўлган сайланган аъзолардан иборат. Ушбу қўмита аъзоларининг тенг ярми амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар орасидан сайланган шахслар бўлса, қолган ярми жамоат бирлашмалари, жумладан, нотариал идоралар ходимларидан сайланган вакиллардир. "Аралаш қўмита"ларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Франция Нотариат Кенгаши, ҳудудий кенгашлар ва департамент нотариал палаталари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

– нотариусларнинг пенсия жамғармаси, шунингдек, клерклар ҳамда Кенгашлар, нотариал палаталар ва нотариал идораларнинг ижтимоий таъминот жамғармаси Бошқаруви вакилларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Санаб ўтилган тузилмалар ичида моҳиятига кўра энг аҳамиятлиси **Нотариал палата ҳ**исобланади. Ушбу палатанинг фаолияти Францияда илк бор 1803 йил 16 мартда йўлга қўйилган.

Департамент нотариуслари "ширкат"ларга бирикишган. Ўз навбатида ушбу "ширкат" ўз аъзоларининг ичидан нотариал палатанинг Бошқаруви аъзоларини сайлайди. "Ширкат"нинг олий идораси умумий йиғилиш — Бош Ассамблеядир. Умумий йиғилишнинг раҳбари палата аъзолари томонидан сайланган президент ҳисобланади. Палата президенти барча амалиёт билан шуғулланувчи департамент нотариусларини бир йилда камида икки марта ўтказиладиган навбатдаги йиғилишларга чақиради. Департамент нотариусларининг умумий йиғилишида департаментнинг барча нотариуслари иштирок этади. Уларнинг йиғилишда қатнашиши мажбурий ҳисобланади.

Умумий йиғилиш қуйидаги ваколатларга эга:

– нотариал палаталар ва ҳудудий Кенгашлар Бошқаруви аъзоларини сайлаш;

– нотариатга таалуқли бўлган барча таклифларни муҳокама қилиш;

– ҳар бир нотариусларга белгиланадиган бадаллар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳоказолар.

Департамент нотариал палатасининг бошқаруви фақат "ширкат" да амалиёт билан шуғулланаётган нотариуслардан шакллантирилади. Мисол учун айтсак, Парижда фаолият юритувчи 450 нафар нотариусдан 27 нафари бошқарув аъзоси ҳисобланади.

Бошқарув аъзолари ўз аъзолари орасидан президентни сайлайди. Президентнинг ваколат муддати 2 йилдир. Сони жиҳатидан катта палаталарда (21 кишидан ортиқ бошқарув аъзолари бўлган Палаталарда) бир ёки бир неча вице президент, маърузачи, котиб, хазиначи сайлаб қўйилади.

Нотариал палатанинг президенти палата ишига умумий раҳбарликни амалга оширади. Бир ёки бир неча вице-президентлар зиммасига палатанинг барча интизомий ишлари билан шуғулланиш ва бошқа шунга ўхшаш вазифаларни амалга ошириш вазифаси юклатилади. Бундан ташқари, улар Палата қарорларининг бажарилишини назорат қилади.

Маърузачи навбатдаги йиғилишларда муҳокамага қўйилган масалалар бўйича маълумотларни умумлаштиради ва уларни палата бошқарувига тақдим қилади. Котиб йиғилишдаги муҳокамалар баённомаларини тузади ва Палата архивининг сақловчиси ҳисобланади. Палата хазиначиси бухгалтерия ишларини амалга оширади ва бюджетни тайёрлайди. Бошқарув йиғилишида аъзолар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина масалаларни муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиши мумкин. Овозлар тенг бўлиб қолганда, ҳал қилувчи овозга президент эга бўлади. Интизомий вазифалар билан бир қаторда (Нотариал палатани французлар одатда "Интизомий" деб ҳам аташади) палата нотариуслар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилади, учинчи шахсларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, инспекцияни ташкиллаштиради.

Франция нотариат тизимида **Нотариуслар ҳудудий Кенгаши** алоҳида ўринга эга. Кенгаш ушбу таркибига Умумий йиғилиш томонидан тўрт йил муддатга сайланадиган Департаментлар Нотариал палаталарининг президентлари ҳамда "ширкат"ларнинг делегатлари киради. Ҳудудий Кенгашнинг аъзолари ҳар икки йилда ўз аъзоларидан президент, вице-президент, котиб ва хазиначини сайлайди. Ҳудудий Кенгаш йилнинг ҳар чорагида камида бир марта йиғилади.

Ҳудудий Кенгаш палаталарнинг низомлари бўйича фикр билдиради, номзодлардан малака имтиҳонини олувчи комиссия аъзолари — нотариусларни тайинлайди, Франция Олий Нотариат Кенгашига вакилни сайлайди.

Франция **Олий Нотариат Кенгаши** Франция нотариат тизимининг юқори босқичи ҳисобланади. Кенгашнинг штабквартираси Парижда жойлашган.

Олий Нотариат Кенгаши таркиби ҳар бир ҳудудий Кенгаш томонидан биттадан сайланган вакиллардан иборат бўлади. Бир вақтнинг ўзида палата ёки ҳудудий Кенгашнинг аъзоси ва Олий Кенгаш вакили бўлиш таъқиқланади. Вакиллар тўрт йилга сайланади. Олий Кенгашнинг бюросида етти кишидан фаолият юритади. Президент вакиллар орасидан сайланади.

Олий Кенгаш йиғилишлари йилнинг ҳар бир чорагида камида бир марта ўтказилади. Кенгаш қонуний кучга эга бўлган қарорни аъзолар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина қабул қилиши мумкин. Овоз беришда президент ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга.

Олий Кенгаш зиммасига нотариус касбини такомиллаштириш ва ривожлантириш вазифаси юклатилган. Бундан ташқари, Кенгаш турли ҳудудий Кенгашларнинг Нотариал палаталари ёки нотариуслари ўртасида келиб чиқадиган профессионал низоларни кўриб чиқади ва улар ҳал этади. Шундан сўнг ушбу масалалар бўйича Олий Кенгаш зудлик билан ўз қарорини қабул қилади. Кенгаш миллий даражадаги нотариал фаолиятни тартибга солувчи Низомни қабул қилади. Ушбу низом муҳокама қилиниши ва кўриб чиқилиши учун Франция Адлия вазирлигига тақдим этилади. Палаталар ва ҳудудий Кенгашлар билан маслаҳатлашиб бўлгандан сўнг, Олий Кенгаш Адлия вазирлигига нотариал идораларнинг мамлакат доирасида янада яхшироқ тақсимланиши бўйича таклифларини билдиради.

Кўриниб турибдики, Францияда нотариат институти ташкилий жиҳатдан мукаммал шаклланганлиги билан бошқа давларнинг бу соҳадаги тизимидан алоҳида ажралиб туради.

**Акмал БУРҲОНОВ**

***Ўтган ўқув йилининг сўнгги кунлари. Жалолқудуқ тумани, Ойим қишлоғидаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 7-тиллар мактаб-интернатида педагогикага хилоф воқеа юз берди. Ўқитувчи ўз ўқувчисига қўл кўтарди...***

# ОҚИБАТ

## ёхуд ўз ўқувчисига қўл кўтарган ўқитувчининг хатти-ҳаракати хусусида айрим мулоҳазалар

Аслида воқеа бундай бўлган эди: математика ўқитувчиси Ғуломжон Имомқулов дарсга кириб келди-ю, ўқувчилардан уйга вазифани сўрай бошлади. Бахтга қарши ўқувчиларнинг аксарияти уйга берилган вазифани бажармай келган эди. Навбат Омаджон Мирзаевга келди.

— Уй вазифасини бажардингми?! — дея жаҳли чиқиб сўради ўқитувчи.

Аммо ўқувчидан бирон сас-садо чиқмади. Буни кўриб, ўқитувчи баттар тутақиб кетди.

— Ўликмисан ёки тирикмисан, — деди жаҳл билан муштини тугиб. Бундай дўқ-пўписадан ўқувчи ҳам тилга кириб, унга гап қайтарди.

Шундан сўнг жаҳл отига миниб, ақлини йўқотган ўқитувчи ўз ўқувчисини бошқа ўқувчилар олдида дўппослай кетди. Айтишларича, синфхонасида бошланган дўппослаш коридорда ҳам давом этган.

Албатта, ўқитувчи Ғуломжон Имомқулов, "ўқувчи ўзи гап қайтариб, аччиғимни чиқарди, жаҳл устида ўзимни тутолмай бир-икки шапалоқ уриб юборибман, ахир, ҳар қандай одамда "нерв" деган нарса бор" — деб ўзини оқлаши табиий.

Шундай ҳам бўлди. Аммо унинг "ўқув йилининг охирида асабларининг чарчаши" ўқувчи Омаджон Мирзаев ва унинг ота-онасига анча қимматга тушди. Нега деганда, ўқитувчиси билан бўлиб ўтган можародан сўнг ўқувчи Омаджон Мирзаев жиддий жароҳат олади ва Андижон ип-газлама ҳиссадорлик жамияти қошидаги тиббий-санитария қисмида ўн кун, Андижон тиббиёт институтининг клиник касалхонасида ўн кун даволанди. Унинг жароҳати вилоят суд-тиббий экспертизаси хулосаси билан ҳам ўз тасдиғини топади.

Ўғлининг аҳволини кўриб, ота-она ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишди. Жиноят ишлари бўйича Жалолқудуқ туман суди ўқитувчи Ғуломжон Имомқуловни Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 52-моддаси, 2-қисми билан айбли деб топади. Унга 11 минг 835 сўм жарима солиниб, давлат фойдасига ундирилди. Бу қарор жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди томонидан ҳам ўзгаришсиз қолдирилди.

Судларнинг бу қароридан ўқувчининг ота-оналари Ёқутхон Холматова ва Қаҳрамон Мирзаевлар норози бўлишади. Уларнинг фикрича, бу ҳодиса маъмурий ҳуқуқбузарлик эмас, балки жиноий иш сифатида баҳоланиши керак. Бундан ташқари, ота-она мазкур иш юзасидан Халқ таълими вазирлигига ҳам ариза билан мурожаат қилади.

Вазирлик топшириғига кўра, вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари томонидан тузилган комиссия ҳам бу воқеани батафсил ўрганиб чиқиб, ўз баҳосини беради. Аммо Ёқутхон Холматова "Инсон ва қонун" газетасининг Андижондаги мухбирлик бўлимига мурожаат қилади.

Албатта, судлар ҳам, комиссиялар ҳам бу воқеа юзасидан ўзининг холис фикрини айтдилар. Бизнингча, ота-она норизо қилган нарса — борингки, жаҳл устида хатога йўл қўйган ўқитувчининг — ОҚИБАТСИЗЛИГИ бўлган. Буни Ёқутхон опанинг аризасидан ҳам билиб олиш мумкин:

**"Ўша воқеадан сўнг ўқитувчи Ғуломжон Имомқулов ўғлимнинг ҳолидан бирор марта ҳам хабар олмади. Бола икки маротаба касалхонада ётиб чиқди. На касалхонага, на уйга бориб боланинг соғлиғи билан қизиқмади. Устига устак, бола касалхонада ётганда, айтайлаб ётқизиб қўйишди, деган гапларни чиқарди".**

Кўрдингизми, тан жароҳат битиши мумкин, лекин кўнгил, дил яраси битиши қийин.

Биз журналист суриштируви давомида мактаб-интернатда бўлганимизда, бу воқеанинг муҳокамасига бағишланган педагогик кенгашлар баённомаси билан танишдик. Назаримизда, бу воқеага энг тўғри баҳони мактаб ўқитувчилари беришган. Жумладан, ўқитувчи Ҳуртожи Ашурова шундай фикр билдирган.

**— Бу воқеада, албатта, ўқитувчининг айби катта. Чунки бола руҳиятини тушунган ҳолда муомала қилишимиз зарур. Болани уриш, умуман, педагогикага хос эмас. Тўғри, болада ҳам айб бор, лекин у бола-да! Ҳар қандай вазиятда ҳам ўқитувчи болани урмаслиги лозим. Менинг фикримча, Ғуломжон боланинг уйига бориб кечирим сўраши керак...**

Йиғилиш қароридан: **"Ғ.Имомқулов хатти-ҳаракати педагогик жамоада кескин қоралансин ва шахсий варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилсин".**

**Сўнгги сўз ўрнида:** Педагогик кенгаш қарорида шундай сатрлар битилган: "Ўқув тарбия жараёнида ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, ўқувчиларга самимий муносабатда бўлиш, зиддиятли ҳолатлардан чиқишнинг педагогик-психологик тўғри йўлида фойдаланиш ўқитувчилар ва бошқа ходимлар зиммасига юклатилсин".

Демак, бу ўқитувчи Ғуломжон Имомқуловга ҳам тегишли. Бундан бошқа нима ҳам дердик. Бизнинг истагимиз: барчамиз бизни ўқитган, тарбиялаган устозларни чексиз ҳурмат қиламиз. Ўша ҳурматга. Ўқитувчи ҳақидаги ўша тасаввурга ҳеч қачон соя тушмасин...

Қалб меъмори бўлиб, дунёга келган ўқитувчи ҳамиша шундай бўлиб қолсин...

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Bir xat izidan

Falsafa va qonun

# SOLON:

## ҚОНУНЛАРГА БАХШИДА УМР

***Мелоддан илгари VI асрда яшаб ўтган Солон ўз даврининг "етти донишманди"дан бири эди. Афиналик машҳур қонуншунос, шоир, мутафаккир аслзодалар хонадонига мансуб бўлиб, унинг келиб чиқиши ўтмишда ўтган шоҳ Кодрга бориб тақаларди. Шундай бўлса-да, унинг отаси унчалик бой эмасди. Солоннинг болалиги ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган, отасининг ўлимидан сўнг у ҳеч вақосиз қолганини муаррихлар айтиб ўтишган. Бошқаларнинг кўмагини истамаган ўсмир денгиз орқали савдо-сотиқ билан шуғулланади. У пайтларда Афинада бу касб билан унча-бунча одам шуғулланолмас, Солон эса кўп оғирликларни бўйнига олиб, айнан савдогарлик касбини танлашга журъат қилади. Денгиз ортига саёҳат хавфли эди, аммо бир омад кулиб боқса, мўмай даромад ишлаб олиш ҳеч гап эмасди.***

Айни пайтда Солон денгиз ортига фақат бойлик истаб эмас, донишмандлик сирларини ўрганиш, дунё кезиш, яна турли одамларнинг турфа одатларини ўрганиш учун ҳам отланганди. Катта бойликка эга бўлишни умуман истамаган Солон ҳар гапида **"Бахтга пул топиш билан эришилмайди, фақат жабру ситам, машаққатлар чекибгина чин инсон номини сақлаб қолиш мумкин"**, — дерди. Солон ана шу сафарлар натижасида бойиб кетган бўлса-да, ўз шаън-шавкатини, йигитлик ғурурини бойликдан устун қўйганини кўп битикларида таъкидлайди.

Бу давргача Аттика аҳолиси гарчи қишлоқ хўжалиги билан шуғулланса-да, Солон замонига келиб ҳунармандчилик ҳам ривож топа бошлади. Афина шаҳрида бадавлат зодагонлардан ташқари жуда кўп ҳунармандлар, денгизчи ва савдогарлар, шунингдек, чет мамлакатлардан келиб қўним топганлар яшардилар. Кўпчилик зодагонлар қадим аждодларидан мерос қолган ерларга эгалик қилиб, унга қуллар ва эркин деҳқонлар кўмагида қайта ишлов берардилар. Деҳқонлар қўлида эса кичик-кичик ерлар бор эди, холос.

Ниҳоят, милоддан аввалги 594 йилда ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган деҳқонлар шаҳарлик ҳунармандлар билан бирлашиб туриб Солонни бош ҳакам (архонт)ликка сайлашади. Солон бир-бири билан курашаётган гуруҳлар ўртасида воситачилик вазифасини бажариб, ўша пайт "қонунларини ўзгартириш ёхуд сақлаб қолиш, янги қонунлар қабул қилиш" ҳуқуқини қўлга киритади.

У ҳамюртларига қарата "Мустабидлик шундай бир қалъаки, ундан чиқиб қутулишнинг ҳеч иложи йўқ! Қадрдон шаҳри ҳукмдорлигини куч билан тортиб олган одам ҳеч қачон уни ёвуз қуролга айланишига тўсиқ қўёлмайди ва ўз фуқароларининг кушандасига айланиши ҳеч гап эмас!" — дея ишонарли далиллар келтиради. Бироқ зулм усулини қаттиқ қоралаган Солон ҳамиша ҳам кўнгил бўшлик қилавермади, билакс, керак бўлганида ўзининг темир интизомли ҳукмдор эканини ҳам намойиш қилди. У куч ва адолатни ҳамиша бир қўлда бирлаштириш тарафдори бўлиб қолди. Шу билан бирга, Солон халқнинг адолатли талабларини ҳар вақт ҳам тўла қаноатлантиролмас, бунга кўпгина сабаблар йўл қўймасди. Ўзи бой одамлардан бўлган ҳукмдор "оддий деҳқонлар зодагон синф билан тенглашишининг ўзи мумкин эмас", деб ўйларди. Деҳқонларнинг илтимосига қарамай, у фақат қарзга қўшиб олинган ерларнигина эгаларига қайтарилиши ҳақидагина қонун чиқара олди. Бойларниг ерини тортиб олиб, уларни адолатли тақсимлаш эса унинг қўлидан келмади, бу қонун бўйича ҳам мумкин эмасди.

Шундан сўнг Солон давлат қурилишига айрим ўзгартиришлар киритади. Ана шу давргача Афинада ҳокимият зодагонлар (эвпатридлар) қўлида эди. Халқ давлат бошқарувида умуман иштирок этмасди. Ҳамма ишни оқсуяклар кенгаши ўз қўли остига олган, бу кенгаш юқори мансабдорларни тайинлаш ҳуқуқига эга эди. Суд тизими ҳам ана шу бир гуруҳ оқсуяклар қўлида эди. Халқ мажлиси эса ҳеч қандай нуфузга эга эмасди. Мамлакатдаги бундай қонун-қоида билан нафақат деҳқонлар ёки шаҳарли камбағаллар, балки қашшоқлар орасидан чиққан бойлар ҳам келишолмасдилар. Норозилик шу даражада кучайиб кетгандики, охир-оқибат халқнинг фиғони фалакка ўрлаб, катта жанжал чиқиб кетиши ҳеч гап эмаслиги маълум бўлиб қолганди.

Биринчи навбатда Солон Дроконат замонидан қолган алмисоқи бешафқат қонунни бекор қилди. Бу қонунга асосан барча турдаги жиноятлар учун бир хилдаги ўлим жазоси қўлланарди. Шунингдек, Солон давлат бошқарувига нафақат оқсуяк зодагонларни, балки оддий одамлар орасидан чиққан бой-бадавлат синфни ҳам жалб этади.

Солоннинг саъй-ҳаракати туфайли Афинада Олий қонун чиқарувчи ҳокимият бўлиб Халқ мажлиси тасдиқланади. Лекин Солон халқнинг ўзи иш юритишига йўл қўймади. У қонуннинг дастлабки муҳокамаси учун тўрт юзчилардан иборат бўлган алоҳида кенгашни ташкил этди. Халқ фақат тавсия этилган қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки қайтариш ҳуқуқига эга эди, холос. Шунга қарамай, Халқ мажлиси ишга таъсир кўрсата оларди. Зеро, олий мансабдор шахслар улар томонидан сайланарди. Халқ мажлисида эса Афинанинг тенг ҳуқуқли фуқаролигига эга бўлганларгина иштирок этардилар. Қуллар, аёллар ва метеклар Халқ мажлисига кириш ҳуқуқидан маҳрум эди. Қонун ҳимояси ва унинг ҳаётга тадбиқ этилишини кузатиш бош ҳакам зиммасига юклатилганди.

Ушбу қонунлар кучга киргандан сўнг қонун чиқарувчининг олдига ўз норозиликларини билдириб кўплаб фуқаролар кела бошлади. Қашшоқлар ер бўлиб берилмагани учун ундан норозиланса, бой-бадавлатлар эса Солонни қарзларни бекор қилгани учун койиди.

Қонуншунос бундай масъулиятли ва муҳим соҳада ҳаммани ҳам қаноатлантиролмаслигини билгани учун ислоҳотлар ўтказиб бўлганидан сўнг ўн йил муддатга мамлакатни тарк этди.

Даставвал у Мисрга борди. У ерда кўп турмади, сўнгра Кипр оролига йўл олди. Бу ерда у Кипр подшосига мамлакат пойтахтини бошқа ерга кўчиришни маслаҳат берди ва ана шу янги пойтахт қурилишида шахсан ўзи иштирок этди. Шундан сўнг Солон Лидияга (Кичик Осиё) шоҳ Крез ҳузурига ташриф буюрди. Лидия шоҳи битмас-туганмас бойлиги билан дунёга донг таратган ва ўзининг бойлигидан ҳамиша фахрланишини қўймасди. Солонни шоҳ саройини томоша қилдиришгач, Крезнинг қошига олиб борадилар. Крез ўзининг бойлигига маҳлиё бўлиб Солондан сўрайди: "Сен бу ёруғ оламда мендан ҳам бахтли подшоҳни кўрганмисан?" Донишманд Солон унинг саволига жавоб қайтаришга уриниб: "Мен дунёдаги энг бахтли одам деб афиналик Теллни биламан. У ҳалол ва тартиб-интизомли одам эди. Фарзандларини ҳам ўзи каби ҳалол ва эътиборли фуқаролар қилиб тарбиялади. Ўлаётганда ҳам мардларча, ватанини озод қилиш учун курашиб ҳалок бўлди!", дейди. Подшо Крезга оддий одамни Солон қаҳрамон даражасида осмонга олиб чиқиб мақташи эриш туюлди, у Солонни афанди санаб яна сўради: "Хўш, Теллдан сўнг энг бахтли одам ким?" У мана энди Солон унинг номини тилга олишини кутади. Аммо донишманд бу сафар "Худо бизларни келажакни башорат қилгувчи қилиб яратган эмас, фақат бутун умрини қайғу аламсиз яшаб ўтган одамнигина бахтли дейиш мумкин. Ҳали яшашда давом этаётган одамни бахтлисан дейиш, худди ҳали жангни тугатмаган аскарни ғолибсан дейиш билан баробардир", деб жавоб қайтариб саройни тарк этади.

Оқибат Солон ҳақ бўлиб чиқади. Анча ўтгач Крез форс подшоси Кир билан бўлган жангда енгилади. Подшо Кир уни ўтда куйдиришга маҳкум этади. Ўлими олдидан Крез "Солон!", деб қичқиради. Ажабланган Кир бахтсиз маҳбус ўлими олдидан кимнинг номини тилга олганини қизиқиш билан сўрайди. Крез унга жавобан "Бу юнон донишманди Солон бўлади! У менга "одам ҳали яшар экан, у ҳеч қачон бахтли бўлолмайди. Чунки эртага у билан нима бўлишини билмайди", деганди, мен эса уни эшитишни истамай бахт фақат мен топган бойликлардан иборат деб юрибман. Мана энди худди ўша давлату бойликлар мени бахтсизлик оловига улоқтираяпти!" дейди. Крездан бу жавобни эшитган Кир унга ҳаёт инъом этиб, маҳбусни озод қилади. Шу тарзда Солон шоҳни ўлимдан қутулиб қолишига сабаб бўлди.

Солон юртига қайтганда мамлакатда ҳали унинг қонунлари кучда эди. Лекин кўплаб норози одамлар давлат тўнтариши қилишга уринишарди. Солон анча кексайиб қолгани учун ҳам халқ ўртасига чиқиб нутқ сўзлашни хоҳламайди. Гуруҳлар ўртасидаги низоларга ҳам аралашмайди. У фақат бир-бирига рақиб бўлганларни яраштириш билан овора бўлади.

Солон ўтказган туб ислоҳотлар натижасида қадимги Юнонистонда авлоддан-авлодга ўтиб келувчи зодагон оилалар ҳукмдорлигига путур етиб, ерлар деҳқонларга бўлиб берилди, улар неча минг йиллар давом этиб келган қуллик асоратидан озод этилади.

Бу эса бугунги кунда инсоният эришган ютуқларда Солоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор деган, хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

**Аббос САИД**

Nuqtai nazar

# НАФОСАТ ҚУДРАТИ

## ЁКИ ҲУҚУҚ ВА САНЪАТ МУШТАРАКЛИГИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Юзаки қараганда, бир-биридан анча узоқ туюлган, бир-бирига унчалик алоқаси бўлмаган бу икки соҳанинг қандай муштараклиги бор, деган саволнинг туғилиши табиий, албатта. Лекин масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, бу икки соҳа ўртасида маълум мантиқий боғлиқлик борлигини сезиш қийин эмас.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий меъёрлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки у ахлоқий меъёрлар заминида вужудга келади. **"Маълум бир ахлоқий сифатларга эга бўлмай туриб, чунончи, муносиб инсон бўлмай туриб, ижтимоий ҳаётда ҳаракат қилиб бўлмайди"**, деган эди улуғ юнон файласуфи Арасту.

Ҳуқуқшуноснинг фаолияти эса, ижтимоий ҳаёт, фуқаролар ўртасида вужудга келадиган мураккаб ахлоқий муносабатлар билан бевосита боғлиқдир. Ахлоқан ва қалбан бунга тайёр бўлмаган ҳуқуқшунослар, айниқса, судьялар инсонлар тақдирини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифани адолатли ва тўғри адо этиши мушкул.

Бошқача айтганда, ҳар қандай ҳуқуқий муаммонинг адолатли ечимини топиш учун кишидан юксак даражадаги билимдан ташқари қалбнинг поклиги, унинг адолатга мойиллиги ва бошқа юксак инсоний фазилатлар талаб қилинади.

Улуғ файласуф адиб Виктор Гюго "Энг олий ҳукм — виждон ҳукми", деганда ҳақ гапни айтганига яна бир бор амин бўласан киши. Ҳақиқий санъат эса, инсон қалбини покловчи, унинг нозик туйғуларига таъсир этиб, вужудида рағбат уйғотувчи муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Ривоятларда келтирилишича, улкан бир мамлакатнинг ҳукмдори давлатга қарши ҳаракатларни содир этганликда айбланувчи кишини ўлимга маҳкум қилиш ҳақида фармон берган экан. Одатда у ҳукм ижросини ҳеч қачон кузатмас экан, лекин ушбу ҳолатда масала давлат манфаатларига бориб тақалгани учун мазкур ҳукмни ижро этиш чоғида бевосита иштирок этишга қарор қилибди. Ҳукм ижро этиладиган майдонга етиб келганида, минглаб одамлар йиғилган, айбдор қўли боғланган ҳолда олиб чиқилиб, жаллод ҳам унинг бошини танасидан жудо қилишга шай турган экан. Шунда майдондан сал наридаги тепаликда бир машшоқ танбур чертиб, инсон қалбини адолатга, покликка, эзгуликка чорловчи "Сегоҳ" қўшиғини айта бошлабди. Подшоҳ ҳофиз қўшиқни бутун қалб қўри билан ижро этаётганини пайқаб, йиғилган халойиқ бу қўшиқни тик туриб эмас, ўтириб эшитиш кераклигини билдирибди. Шу жумладан, айбдорнинг ҳам қўлини ечишга буйруқ берибди.

Эзгуликка, адолатга чорловчи "Сегоҳ"ни тинглаб бўлгач, ҳукмдор айбдорликда гумон қилинган шахс ҳақиқатда жиноят содир этмаганини, аксинча, давлат манфаати учун хатти-ҳаракат қилганини, унга нисбатан эса адолатсиз ҳукм чиқарганини тушуниб, ўз фармонини бекор қилади. Шу билан айбдор жазодан қутулиб қолади.

Қиссадан ҳисса шуки, инсон ҳақиқий санъатга ошно бўлса, бу санъат унинг қалбини поклаши, уни эзгуликка чақириши турган гап. Иймон-эътиқодли, кўнгли тоза ҳуқуқшунос эса ҳар доим адолат, ҳақиқат тарафида туриши лозим. Халқимизнинг туганмас маданият бойлиги ҳисобланган "Сегоҳ", "Ушшоқ", "Қўшчинор", "Феруз", "Самарқанд ушоғи", "Таманно", "Куйгай", "Гулжамол", "Баётлар", "Чўлироқ", "Чоргоҳ" ва бошқа мумтоз қўшиқларимизни, "Тановар", "Муножот", "Сайқал", "Гулизорим" каби қатор куйларни тинглаганимизда улар одамни энг эзгу ишларга чақиришини, ҳаётга муҳаббат кўзи билан қарашга ўргатишини унутмаслигимиз керак.

Ҳар бир ҳуқуқшунос, айниқса, судьялар бу санъат дурдоналарини тинглаб, улардан баҳраманд бўлишса, ўзларига юклатилган масъулиятли вазифани ҳалоллик билан адо этишларига аминман. Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири эртанги кун баркамол авлодини тарбиялашдан иборатдир. Ҳеч бир киши онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Уни нотўғри тарбия, носоғлом муҳит бузади.

Хулоса ўрнида айтсак, санъат ва нафосат қудратли тарбия воситасидир. Унга ошно тутинган инсон ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди.

**К. САИДОВ,**
**ҳуқуқшунос**




*Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ*

Nadomat

# "САПАР БОЗОР" САФАРИ

## СУДНИНГ ҚОРА КУРСИСИДА ТУГАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида этил спиртли, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда давлат монополияси назоратини кучайтириш ва ушбу маҳсулотларни сотишдан давлат бюджетига келиб тушадиган маблағларни кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги 154-сонли қарорлари талабларини қўпол равишда бузган кимсалар жазосиз қолмайди.

Ўзини тижоратга уриб, осон йўллар билан бойлик оттиришга ҳирс қўйган баднафс кимсалар кўзига қўшни Чимкент вилоятининг Жетисой туманидаги "Сапар бозор" оловдай кўринса керак. Сифати талабга мутлақо тўғри келмайдиган, инсонни турли оғир хасталикларга мубтало қилиб, ҳаётини хавф остига қўядиган зарарли товарларни истеъмолчиларга устама нарх билан пуллаб, осон йўл билан бойлик орттирмоқчи бўлган бундай тоифадагиларга ўзгаларнинг соғлиғи, тинчлиги, оиладаги ҳаловати бир пул.

Ана шундай нафс балоси йўлдан оздирган кимсалардан бири — Пойариқ туманининг "Деҳқонобод" хўжалигида яшовчи Давронбек белига пулини тугиб, "Сапар бозор"га отланди. Ҳар бири 0,5 литр ҳажмли акциз маркасиз "Пшеничная" ароғидан 580 шишасини 620 сўмдан 359 минг 600 сўмга сотиб олди. Гап энди уни манзилга етказишда эди.

"Қаҳрамонимиз" товарини манзилга олиб кетиш учун "Сапар бозор"да автоулов қидириб турсин. Энди гапни бошқа ёқдан эшитинг.

Рустам Ҳамидов синглисини Тошкент шаҳрига элтиб қўймоқчи эди. Ён қўшниси Шавкат Ҳамроевда енгил машина бор. Бўлгандаям гижинглайдиган "Нексия". Машина Шавкатнинг ўзиники эмас. Фуқаро Тунғунбой Раззоқовдан Шавкат уни ижарага олиб, амалиётнома билан киракашлик қилади. Рустам Шавкат билан кира ҳақини келишгач, улар биргаликда синглини Тошкентга элтиб қўйишади. Пойтахтдан қайта туриб, улар "Сапар бозор"га тўхташади. Қарашсаки, йўл четида ўзларининг қишлоқдоши Давронбек Ғаниев турибди. Мусофир юртда ҳамқишлоғини кўрсанг, барибир, меҳринг бир жунбўшга келади. Улар ҳол-аҳвол сўрашгач, Давронбек муддаога ўтади.

— Товаримни Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳригача олиб борсанг, 40 минг сўм бераман, — деди Давронбек Шавкатга.

Ароқлар машина юкхонасига жойланади. Йўлга отланишиб, "Тошкент-Самарқанд" катта йўлида анчагина йўл босишди.

Каттақўрғон шаҳридан ўтиб бораётганда йўл патрул хизмати ходимлари Шавкат Ҳамроев бошқараётган "Нексия"ни тўхтатмоқчи бўлишади. Бироқ Шавкат "тўхта" ишорасини писанд қилмай ўтиб кетади. Машина Оқтош шаҳрига келиб Давронбек Ғаниев кўрсатган дўкон олдига тўхтаганда, йўл патрул хизмати ходимлари етиб келишади. Товар далилий ашё сифатида олиниб, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси марказий божхона омборига топширилади.

Давронбек Ғаниев ва Шавкат Ҳамроевлар Жиноят Кодексининг 186-1-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбли деб топилиб, озодликдан маҳрум қилинишди. Фақат Президентимизнинг 2002 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармонининг 2-моддасига асосан жазони ўташдан озод қилиндилар. Далилий ашё сифатида олинган товар давлат фойдасига мусодара этилди.

Ҳа, "Сапар бозор" сафари суднинг қора курсисида тугади. Бу воқеа Д. Ғаниев ва Шавкат Ҳамроевга ўхшаган кимсаларга сабоқ бўлмоғи даркор.

**Абдумажид НОРБЎТАЕВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**журналист**

Taxmin va umid

# МАРСГА САЁҲАТ ЯҚИНМИ?

Инсоният азал-азалдан парвоз қилишни орзу қилиб келган. Дастлаб йирик ҳаво шарлари, сўнгра кичик аэропланларнинг ихтиро этилиши инсониятнинг орзулари рўёбга чиқаётганини кўрсатди. Шундан сўнг самолётлар ва уларнинг ҳам мукаммал русумлари яратилиб борилди. Аммо, 1961 йил 12 апрелида Юрий Гагариннинг роппа-роса 108 дақиқада Ер атрофини айланиб чиқиши бутун дунёни ҳайратлантирди. Орадан кўп ўтмай, америкалик астронавтлар ҳам ўз маҳоратини намоён этиб, Ойни забт этишди. Бу эса инсоният тараққиётидаги мисли кўрилмаган янгилик бўлди. У бутун инсоният қадами сифатида эътироф этилди. Бу воқеадан сўнг Қўшма Штатлар фазогирлари инсон қадами етмаган жойларни ўрганишга жон-жаҳдлари билан киришдилар.

1972 йилнинг декабрида "Аполлон 17" космик кемасининг астронавтлари Гейн Сернан ва Гаррисон Шпитлар одамзотнинг Ойдаги сўнги вакиллари бўлишди. Бу ҳақда Гейн Сернан "Мен ҳеч қачон орадан ўттиз йил ўтиб ҳам одамзотнинг Ойга қадам босган сўнги вакили бўлиб қоламан деб ўйламагандим", деганди.

Ҳақиқатан ҳам, кичик аэропланнинг ихтироси ва Ойга қилинган парвозигача 66 йил вақт ўтди. Лекин орадан 33 йил вақт ўтибди ҳамки, инсоният коинотнинг бошқа бир сайёрасигача етиб боролмади. Тадқиқотларнинг муваффақиятли якун топиши учун техникалар такомиллаштирилиб, имкониятлари кенгайтирилди. Америкалик астронавтлар томонидан яқин келажакда Марсга парвоз қилиш мўлжалланяпти. Баҳорда Марсга учирилиши мўлжалланган икkita космик кема ерга қўндирилди ва келажакдаги "Марс" экпедициясига махсус тайёрланади. Мутахассислар Марсга бўладиган экспедиция Ойга қараганда бирмунча қийин ва хавфли кечишини айтишмоқда. Чунки Марс Ойга қараганда 200 маротаба узоқроқ бўлиб, бунинг учун бир ойча вақт керак экан. Шунинг учун Марсда кутилмаган муаммоларга учрамаслик учун, биринчи парвозни роботлар орқали амалга ошириш кўзланяпти. Мутахассислар улар орқали Марсни яхши ўрганиш ва шундан сўнггина одамларни юбориш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Ушбу экспедицияни амалга ошириш жуда катта пул маблағларини талаб этади. Биргина халқаро космик станция барпо этиш учун энг камида 65 миллиард доллар, бу станцияларга юк ташувчи кемаларнинг бир марталик парвози учун 400 миллион доллар миқдорида пул сарфлашга тўғри келади.

Марсга бўладиган саёҳат ҳам бир вақтлар Ойга уюштирилган сафардек оламшумул аҳамият касб этиши турган гап.

**Фарҳод ҲАЗРАТҚУЛОВ**

**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти жамоаси Департамент директори, Адлия вазири ўринбосари Эркин Қудратовга отаси**

***ҚУЛНАЗАР отанинг***

**вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.**

**«Ҳаёт ва қонун» юридик журнали ҳамда «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Раъно Ориповага онаси**

***МАЛИКА аянинг***

**вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.**

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж. ЖАББОРОВ
Навбатчи: Б. РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50